Ф.Б. С.Т.У. читального

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАРСОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 220 (1224) | 6 Ноябрь, пайшанба 1958 йил | Баҳоси 20 тийин

УЛУҒ ОКТЯБРЬ

Совет халқи, халқ демократияси мамлакатларининг меҳнаткашлари, бутун прогрессив инсоният кишилик тарихида янги даврни — капитализмнинг ҳалокати, социализмнинг тантанаси даврини бошлаб берган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 41 йиллигини зўр тантана билан нишонламоқда.

Ўтмишда ҳам революциялар бўлган эди. Лекин ўтмишдаги революциялар ҳокимиятнинг бир эксплуататор синфдан иккинчи бир эксплуататор синфга ўтиши билан чекланар эди, эксплуатациянинг шаклигина ўзгарар эди, аммо эксплуатациянинг ўзи қолаберарди. Ҳокимият ҳам бир эксплуататор синф қўлидан иккинчи эксплуататор синф қўлига ўтиш билан чекланарди.

Ўзининг миқёси жиҳатидан жуда улкан бўлган, ўзининг мақсадлари ва вазифалари жиҳатидан ғоят чуқур революция бўлган Улуғ Октябрь революцияси меҳнаткашларнинг асрий истак ва орзуларини рўёбга чиқарди, эксплуатацияни бутунлай тугатди, ҳар қандай социал ва миллий зулмни абадий йўқ қилди, социализм, тинчлик ва халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва дўстлиги, пролетар интернационализми улуғ идеяларининг тантанасини таъминлади. Шунинг учун ҳам Октябрь революцияси ҳамма революциялар ичида энг улуғ ва чинакам халқ революциясидир.

Улуғ Октябрь революцияси миллий зулм кишанларини абадий парчалаб ташлади, миллий масалани бирдан-бир тўғри ва оқилона ҳал қилди. Октябрь революцияси озодликка чиқарган ўзбек халқи Ватанимиздаги барча халқлар—украинлар ва руслар, тожиклар ва белоруслар, латишлар ва қиргизлар, қозоқлар ва озарбайжонликлар, ҳуллас турли миллат меҳнаткашлари билан биргаликда ёнма-ён туриб, иноқлашиб, дўстлашиб социалистик жамият барпо этди, энди улар Коммунистик партиямиз раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари олга бормоқдалар.

СССРда социализм қурилганлиги Октябрь революциясининг асосий якунидир. Мамлакатимизда социализм ғалаба қилганлиги, ҳозирги кунда коммунистик қурилиш ишида эришаётган муваффақиятларимиз Совет Иттифоқидаги барча социалистик миллатлар ва халқлар томонидан биргаликда, ҳамкорликда қилинаётган ишларнинг натижаси, улар томонидан пролетар интернационализминнинг улуғ принциплари асосида, ижодий ҳамкорликда қилинаётган ишларнинг натижасидир.

В. И. Ленин илҳомчиси ва асосий ташаббусчиси бўлган Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи барпо қилинганлиги, мустаҳкамланганлиги Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг, Улуғ Октябрь ғояларининг жуда катта ғалабаси бўлди.

Партия ўзининг миллий сиёсатида Улуғ Ленининг, социализм миллий тафовутлар ва хусусиятларни йўқ қилмайди, балки, аксинча, барча миллатлар ва халқлар экономикаси ҳамда маданиятини ҳар томонлама ривожлантиришни ва яшнатишни таъминлайди, деган қоидасига асосланиб келди ва асосланмоқда. Ленинча миллий сиёсатнинг тантана қилганлигини Совет Ўзбекистони мисолида яққол кўриш мумкин.

Совет ҳокимияти йилларида Совет Ўзбекистони СССР халқларининг қардошлик оиласида саноати бениҳоя юксалган, қишлоқ хўжалиги коллективлашган ва ҳозирги замоннинг илғор техникаси билан қуроллланган, маданияти гуллаб-яшнаган социалистик республикага айланди.

Революциядан илгари Ўзбекистон чор Россиясининг мустамлака ўлкаси эди. Унинг территориясида фақат бир неча пахта ва ёғ заводлари, ярим кустар типидаги корхоналар ва темир йўл мастерскойлари бор эди.

Ҳозир бўлса Ўзбекистон ССР ўзининг оғир индустриясига эга. Республикада саноатнинг ялпи маҳсулоти 1913 йилдагига нисбатан 14 баравар кўпайди. Фақат областимизнинг ўзида Бекобод, Олмалиқ, Чирчиқ, Янгийўл, Оҳангарон сингари индустриямизнинг янги саноат шаҳарлари барпо этилди. Пойтахтимиз Тошкент шаҳри бўлса йирик саноат маркази, маданият, илм-фан ўчоғидир.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ҳам бениҳоя тез юксалди. Ўзбекистонда (15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда) 50 мингдан ортиқ трактор, 20 мингга яқин пахта териш машинаси ва бошқа механизмлар бор. Бу эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кенг механизациялаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, асосий қишлоқ хўжалик экини бўлган пахтадан йилдан-йилга мўл ҳосил етиштириш имкониятини бермоқда. Бу йил республикамиз пахтакорлари КПСС XXI съезди шарафига социалистик мусобақани қизитиб мамлакатга 3 миллион тонна пахта етказиб бериш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бу эса 1913 йилдагига қараганда қарийб 6 баравар кўпдир. Фақат Тошкент областининг ўзи бу йил давлатга ярим миллион тонна пахта етказиб бериш учун курашмоқда. Шу билан бирга чорвачилик, пиллачилик, картошка ва сабзавотчилик, каноп ва жут етиштириш, бордорчилик йилдан-йилга ривожланмоқда. Совет фани ютуқлари қишлоқ хўжалигига кенг тадбиқ этилаётир. Бу эса қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг тўхтовсиз ошиб боришини таъминлаётир.

Саноат, қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилган муваффақиятлар натижасида халқ фаровонлиги тўхтовсиз ошиб бормоқда. Республикада шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданият барқ уриб ўсмоқда. Революцияга қадар аҳолисининг 2 процентигина саводли бўлган Ўзбекистон, энди ёппасига саводхонлар республикасига айланди. Республикада 34 олий ўқув юрти, техникумлар ва махсус ўқув юртлари бор. Пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалик фанлари академияси, юзга яқин илмий-текшириш институти ишлаб турибди. Мактаб, маориф, соғлиқни сақлаш соҳасида жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Шунинг учун ҳам республикамиз Совет Шарқида социализмнинг барқ уриб турган машъали, деб айтилиши бечиз эмас.

КПСС XXI съезди мамлакатимиз, республикамиз, шу жумладан областимиз экономикаси ва маданиятини янада юксалтиришнинг кенг перспективаларини белгилайди, коммунизм томон ривожланишимизни янада тезлаштиради.

Улуғ Октябрь ғояларининг тантана қилиши, ленинча миллий сиёсатнинг зўр ғалабаси бутун дунё меҳнаткашлари қалбида озодликка, келажакка ғоят зўр ишонч туғдирди.

«...Биз, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — Совет давлатини қура бошлаш, шу билан бутун жаҳон тарихининг янги даврини, барча капиталистик мамлакатларда эзилиб келган ва ҳамма ерда янги турмуш, буржуа устидан ғалаба қозониш, пролетариат диктатурасини вужудга келтириш, кишилик дунёсини капитал зулмидан, империалистик урушлардан қутқариш сари бораётган янги синф ҳукмронлиги даврини бошлаш вақти бизга муяссар бўлганлиги билан фахрланишга ҳақлимиз ва шу билан фахрланамиз».

Улуғ Ленининг башорат қилиб айтган бу сўзлари нақадар тўғри эканлигини тарих, тажриба, ҳаёт тўла исботлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европадаги бир қанча мамлакатлар капиталистик системадан чиқиб кетдилар, социализм йўлига тушиб олдилар. Улуғ хитой халкининг тарихий ғалабаси Октябрь революциясидан кейин жаҳон революцион ишчилар ҳаракати тарихида энг катта ғалаба, мустамлака системасига берилган қаттиқ зарба бўлди. Осиёдаги бир қанча мамлакатларнинг социализм йўлидан илдам қадамлар билан олга бораётганлиги Улуғ Октябрь бошлаб берган буюк ишнинг ажойиб самарасидир.

Кўриб турибмизки, ҳозирги вақтда социализм бир мамлакат доирасидан чиқиб, жаҳон системасига айланди. Социализм лагерининг қудратли кучлари ўсди. Бундан ташқари Ҳиндистон, Бирма, Индонезия, Бирлашган Араб Республикаси, Осиё ва Африкадаги бир қанча давлатлар мустамлакачилик сиртмоғини парчалаб ташлаб, мустақил тараққиёт йўлига тушиб олдилар.

Социализм лагери кучларининг ўсганлиги, мустаҳкамланганлиги, империализмга қарши халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатининг тобора кучайиб бораётганлиги Улуғ Октябрь бошлаган эш тобора кўпроқ мамлакатларга ёйилаётганлигини, империализм оёғи остидаги замин бўшашиб бораётганлигини кўрсатади.

АҚШ бошлиқ империалистик доиралар турли ҳийла найранглар билан янги уруш чиқаришга уринib кўрмоқдалар. Улар Хитой ери Тайвандаги Чан Кай-ши тўдасини қўллар-қувватлаб, Хитой Халқ Республикасига қарши иғволар уюштирмоқдалар. Аммо империалистлар ўйлаган даврлар аллакачонлар ўтиб кетган. Бутун социализм лагери, дунёдаги тинчликсевар кучлар империалистларнинг уруш чиқариш йўлидаги ҳар қандай уринишларига зарба беришга тайёрдирлар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси бўлиб ўтган кунга 41 йил тўлди. Улуғ Октябрь ғоялари, марксизм-ленинизм ғоялари ўзининг буюк ҳаётийлигини, революцион, дунёни ўзгартирувчи кучини исбот қилди ва қилмоқда. Октябрь революцияси вужудга келтирган Совет Иттифоқи тинчлик, демократия ва социализмнинг қудратли ва енгилмас байроғи бўлиб, бутун дунёга машъалдек нур сочмоқда. Улуғ Октябрь ғояларини ўзида мужассамлантирмоқда.

Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлигининг қалъаси, тинчлик ва социализм таянчи — Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи!

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 41 йиллиги!

Расмни В. Кайдалов ишлаган.

Машинасозлик, нефть ва газ саноати ходимлари қисқартирилган иш кунига кўчирилади ва уларнинг иш ҳақи тартибга солинади

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва Бутуниттифоқ Касаба Союзлари Марказий Совети машинасозлик, нефть ва газ саноати ишчи ва хизматчиларини қисқартирилган иш кунига кўчириш ва уларнинг иш ҳақини тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу қарор 1958 йилнинг охиридан бошлаб 1959 йил давомида амалга оширилади.

Қарорда Халқ хўжалиги кенгашларига, СССР министрликлари ва бошқармаларига касаба союзлар советлари ва ВЦСПС билан келишиб, ишлаб чиқариш шароити талаб этган корхоналарда беш кун ишлаб икки кун дам олишни жорий қилиш шарти билан 8 соатлик иш куни белгилаш ҳуқуқи берилсин, дейилган. Узлуксиз ишлаб чиқариш корхоналарида, шунингдек иш сменасининг муддатини қисқартириш мумкин бўлмаган айрим иш турларида ишчи ва хизматчиларга уларнинг белгиланган иш кунидан ортиқча ишлаган вақтлари учун қўшимча равишда дам олиш кунлари берилиши лозим.

Иш ҳақини тартибга солишда кам иш ҳақи олувчи ишчи ва хизматчиларнинг маошини янада ошира бориш йўлини оғишмай амалга ошириш, максималь ва минималь иш ҳақлари ўртасидаги тафовутни камайтириш, шунингдек ҳар бир корхонада техника жиҳатидан асосланган иш нормаларини ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг иқтисодий жиҳатдан фойдали системаларини кенг жорий қилиш йўли билан иш ҳақига қараганда меҳнат унумдорлигини анча тез суръатлар билан ўсишини таъминлаш қарорда алоҳида таъкидланади. Қарорда шу нарса алоҳида уқдириладики, етти соатлик иш кунига кўчириш ва иш ҳақини тартибга солиш асосан рағбатлантириш системасидаги айрим ортиқчаликларни бекор қилиш, узоқ йил ишлаганлиги учун вақтинча тўланаётган нафақанинг бекор қилинганлиги орқасида, илғор технологияни жорий қилиш, нормалашни тартибга солиш, иш вақтининг беҳуда ўтишига йўл қўймаслик, ёрдамчи ишчилар сонини камайтириш, ишлаб чиқаришни бошқаришни янада такомиллаштириш, цех ва участкаларни бирлаштириш ҳамда корхоналарни цехсиз бошқариш усулига кўчириш натижасида тежалган маблағлар ҳисобига амалга ошириш керак.

Штатлардаги ортиқчаликларни қисқартириш ва бошқарув аппаратини тутиш учун сарфланадиган харажатларни камайтириш мақсадида қарорда корхоналарда бошқариш схемасини қайта кўриб чиқиш таклиф қилинади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС хўжалик, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари раҳбарларининг эътиборини қисқартирилган иш кунига кўчиш ва меҳнатга ҳақ тўлашда янги системага ўтиш вақтида маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархни камайтириш, янги машиналарни ўзлаштириш юзасидан берилган топшириқларни мутлақо тўла ва ошириб бажариш зарурлигига жалб этдилар, шу билан бирга машинасозлик, металл ишлаш, нефть ва газ саноати корхоналари ишчи ва хизматчилари иш кунининг қисқартирилиши ва иш ҳақининг тартибга солиниши уларнинг ижодий активлигини янада кўпроқ оширади ва халқ хўжалигини янада тез ривожлантиришга ҳамда меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш савиясини юксалтиришга ёрдам беради, деб ишонч билдирадилар.

Қардош совет ва поляк халқларининг дўстлиги—бузилмас дўстликдир

Польша Халқ Республикасининг Ленинградда меҳмон бўлиб турган делегацияси 4 ноябрда эрта билан тилларда достон бўлиб қолган революция крейсери «Аврора»ни бориб кўрди.

Делегация аъзолари «Аврора»ни тамоша қилганларидан кейин Смольнийга қараб йўл олдилар. Улар Советларнинг Бутунроссия иккинчи съезди бўлиб ўтган актзалини ва Ленин хонасини кўздан кечирдилар.

Делегация аъзолари Марс майдонида революциянинг ҳалок бўлган қаҳрамонлари қабрига гулчамбар қўйдилар.

Меҳмонлар «Эрмитаж»га бориб, унинг коллекцияларини тамоша қилдилар.

Тушдан кейин тарихий Сарой майдонида Ленин шаҳри меҳнаткашларининг кўп минг кишилик митинги бўлди.

В. Гомулка бошчилигидаги Польша делегациясининг аъзолари, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг раиси Н. С. Хрушчев ва бошқалар минбарга чиқдилар.

Митингни КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари Н. Н. Родионов очди.

Митингда сўзга чиққан ленинградликлар поляк меҳмонларни самимий табрикладилар.

Митингда гулдурос қарсаклар билан кутиб олинган В. Гомулка ва Н. С. Хрушчев ўртоқлар нутқ сўзладилар.

Митинг охирида партия гимни «Интернационал» айтилди.

(ТАСС).

ПОЛЬШАЛИ МЕҲМОНЛАР МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Владислав Гомулка бошчилигидаги Польша Халқ Республикасининг делегацияси 5 ноябрь эрталаб Ленинграддан Москвага қайтиб келди. Польшалик меҳмонлар Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳат қилдилар. Улар Грузияда, Украинада, Белоруссияда бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари В. И. Козлов ва бошқалар делегация билан бирга Ленинграддан келдилар.

Вокзалда келганларни А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян ўртоқлар, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқалар кутиб олдилар. (ТАСС).

СОВНАРХОЗ КОРХОНАЛАРИНИНГ КАТТА МУВАФФАҚИЯТИ

Тошкент Совнархози корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрнинг 41 йиллиги шарафига бошланган мусобақада катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Иқтисодий-маъмурий район саноати ўн ойлик ва октябрь ойи планини анча ортиғи билан бажарди.

Октябрь ойида Совнархознинг ҳамма бошқармаси давлат планини анча ортиғи билан бажарди. Жумладан, оғир саноат корхоналари бошқармаси—104,5 процент, машинасозлик саноати бошқармаси—105,2 процент, энерго-хўжалик бошқармаси—103,8 процент, бинокорлик материаллари саноати бошқармаси — 102,4 процент, пахта тозалаш саноати бошқармаси — 107,8 процент, енгил саноат бошқармаси — 105,8 процент, озиқ-овқат саноати бошқармаси — 104,7 процент қилиб бажардилар.

Умуман совнархоз бўйича октябрь ойи плани 105,8 процент бажарилди, пландан ташқари 44 миллион 825 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Россия Федерацияси ғаллакорларининг ажойиб муваффақияти

Республиканинг колхоз ва совхозлари бу йил мўл ҳосил етиштирдилар ҳамда давлатга 1 миллиард 930 миллион пуд ғалла ёки ғалланда белгиланганига қараганда 553 миллион пуд кўпроқ ғалла сотдилар. Давлатга 1313 миллион пуд бўғдой сотдилар.

Россия Федерациясининг ғалла учун курашда эришган муваффақиятлари партиянинг қўрқ ва бўз ерларни кенг равишда ўзлаштириш йўли тўғри эканлигини яна бир марта тасдиқлади.

Республиканинг колхоз ва совхозлари давлатга қанч лавлаги сотиш планини муваффақият билан бажармоқдалар.

Республиканинг колхоз ва совхозлари кунгабоқар ва бошқа мойли ўсимликлардан яхши ҳосил олдилар. Бу эса давлатга ўтган йилдагига қараганда 3,5 баравар кўпроқ маккажўхори сотиш, ўтган йилдагидан икки баравар кўпроқ маккажўхори силоси бостириш имконини берди.

Россия Федерациясининг колхоз ва совхозлари чорвачиликни ривожлантириш, аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш бўйича яқин йиллар ичида АҚШга етиб олиш вазифасини амалга ошириш учун социалистик мусобақани қизитиб кейинги йиллар ичида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва давлатга сотишни анча кўпайтирдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бюросини, РСФСР Министрлар Советини, РСФСР областлари, ўлкалари ва автоном республикаларининг колхозчиларини, совхоз ва РТС ходимларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия, совет ва комсомол ходимларини ҳамда барча меҳнаткашларни эришилган муваффақиятлар билан самимий табрикладилар. (ТАСС).

Ильич номли колхоз раиси ўртоқ У. ЖАРҚИНБОЕВГА Партия ташкилотининг секретари ўртоқ Б. РАЖАБОВГА Комсомол ташкилотининг секретари ўртоқ Б. ТУРСУНБОЕВГА

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети Бўка районидаги Ильич номли колхоз аъзоларини КПСС XXI съезди ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 41 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг қизитиб пахта тайёрлаш планини 1 ноябрда 100,3 процент бажарганликларини мамнуният билан қайд қиладилар. Топширилган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди.

Колхоз аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, қўшимча равишда давлатга яна камида 350 тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитети колхоз аъзоларини, РТС ишчилари ва ҳосилни йиғиб-териб олишда колхозга ёрдам бераётган Тошкент шаҳар Марказий район меҳнаткашларини, Ўрта Осиё давлат университети география факультетининг студентларини, мактаб ўқувчиларини, партия ва комсомол ташкилотларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини эришилган муваффақиятлар билан табриклайдилар ва колхоз аъзолари барча пахта ҳосилини ўз вақтида нобуд қилмай териб олиб давлатга топширадилар, чорва қишловига яхши тайёргарлик кўрадилар, кузги шудгорни ўз вақтида ўтказадилар ва қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда бундан буён янда янги ютуқларни қўлга киритадилар, деб ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

1917 йил. Тошкент ишчилари қуролланмоқдалар.

Рассом Татевосян ишлаган картинадан.

ОКТЯБРЬ ҚУЁШИ

1917 йил 7 ноябрь... «Аврора»-нинг қудратли садоси машъум капитализмнинг эски, шалоғи чиққан биноси ер билан яксон бўлганлигидан, жаҳон тарихида янги давр, социализм тантанаси даври бошланганлигидан баралла далолат берди. Октябрь қуёши жаҳонга ёруғ нур сочиб, болқиб чиқди. Мазлумларга озодлик, ер, нон, сулҳ ва тинчлик берди. Инсонни ҳақоратга лучор этувчи эркисизлик ва ҳуқуқсизликка, йўқсилларнинг тинкасини қуриган ишсизлик ва очликкга чек қўйилди. Эзиш ҳам, эзилиш ҳам йўқ! Инсон озод, жамиятнинг ҳақиқий хўжайини бўлди. Моддий бойликларни меҳнаткаш халқ ўзи яратди, энди ана шу бойликларга текинхўр буржуйлар эмас, меҳнат аҳлининг ўзи хўжайинлик қилади. Революциянинг ҳукми, Октябрнинг ҳукми шу!

Улуғ Октябрь камситиш, ҳақоратлаш, умрбод қашшоқлик азобида эзилган ўзбекнинг фақир қулбасига ҳам нур, озодлик олиб келди. Ўзбек ҳам онасидан қайта туғилди. Чор амалдорлари, ҳасис ва золим бойлар, руҳонийлар ва хилма-хил паразит элементларнинг зулмидан, азоб-уқубатидан илиги қуриган ўзбек ишчиси, деҳқони, косиби, зиёлийси, хуллас турли касб эгалари эркин нафас олди. Озод меҳнат шавқ-завқи билан эртаги куннинг ташвишини қилмайдиган бўлди.

Партия, Ленин миллатлар ҳуқуқла тенг, энди улар мустақил давлат бўлиб ўз ҳаётларини истаганларича қура оладилар, деб эълон қилди. Ленинча доно миллий сиёсат миллатларга эркин тараққиёт йўлини кўрсатди. Миллатлар ўртасидаги низо, бир-бирини кўра олмаслик ўрнига, миллатлар ҳамкорлиги, дўстлиги вужудга келди.

Бу йил Улуғ Октябрь революцияси бўлиб ўтган кунга 41 йил тўлди. Ҳар йили бу шонли кунни шодҳуррамлик билан байрам қилар эканмиз, Октябрнинг буюк ижодкори — Коммунистик партияга ўзимизнинг умрбод миннатдорчилигимизни, меҳр-муҳаббатимизни изҳор қиламиз. Яқин келажагимиз — коммунизмга янада ишонч билан қараймиз.

Қирқ бир йил... «Йигитлар қирқ ёлда қирчиллама бўлади» дейдилар. Ҳақиқатан ҳам Совет давлати қирқ бир йил ичида дунёдаги энг қудратли ва кучли давлатга айланди. Унинг қудратини душманларимиз бир неча бор тотиб ҳам кўрдилар. Граждан уруши йилларидаги 14 давлат юриши. Ҳасан кўли воқеаси, оқ финларнинг ҳужуми, 1941 йилдаги Улуғ Ватан уруши ва империалистик реакциянинг бошқа кирдикорлари ҳар сафар ўлим зарбасига учради. Совет давлатига қарши урушмоқчи бўлганлар ҳар сафар ҳам зарбага учраб, ё пешонаси ёрилди, ёки [illegible]тунлай ер қаърига кириб кетади. Ҳозирги кунда бизнинг Ватанимиз ўзининг бутун улуғворлиги, [illegible]бати, гўзаллиги билан тинчлик[illegible] қудратли таянчи сифатида [illegible]р қад кўтариб турибди!

Қирқ бир йил... Давлатлар тараққиёти учун бу жуда қисқа давр. Капиталистик давлатлар шунча давр ичида иқтисодий кризислар, урушлар туфайли юз берган оқибатларни зўр-базўр тузатиб аладилар. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган капиталистик давлатлар ўз белларини ҳалигача кўтариб ололганликларича йўқ. Лондон ва Парижнинг уруш етказган харобалари ҳали ҳам бор. Англия, Франция, Италия, Япония каби давлатлар ўз шуҳратларини йўқотиб, иккинчи даражали давлатлар қаторига тушиб қолдилар.

Совет Иттифоқичи? У иккинчи [illegible]рини таратмоқда.

Қитъалараро баллистик ракета ва шу ракеталарни учирадиган воситалар, дунёда биринчи атом музейари ва электростанциялари қурилганлиги совет фани ва техникасининг энг катта муваффақиятидир! Булар дунёда энг қаётий социалистик тузумнинг ғалабасидир.

Улуғ Октябрнинг муқаддас байроғига ёзилган биринчи сўз сулҳ сўзи эди. Шундан бери ўтган қирқ бир йил ичида Совет Иттифоқи тинчлик ишига содиқ бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Тинчлик, тотув яшаш, яхши қўшничилик муносабатлари давлатимиз сиёсатининг асосидир. Барча давлатлар билан уларнинг катта-кичиклиги, ижтимоий системасидан қатъий назар савдо, маданий алоқалар ўрнатиш, қурол-яроғларни камайтириш, инсон ақли-идроки ва заковати билан яратилган фаннинг буюк кашфиёти — атом энергиясидан одамларни қириш, маданият хазиналарини вайрон қилиш учун эмас, балки тинч мақсадлар йўлида фойдаланиш—Совет Иттифоқи тинчликсевар сиёсатининг далилидир. Лекин АҚШлаги бурнидан нарини кўрмайдиган сиёсатдонлар «зўровонлик позицияси»да туриб, жаҳонни янги уруш гирдобига тортишга урунмоқдалар. Империалистларнинг Миср қарши агрессия уюштириб, қандай шармандалари чиққан, жаҳон халқларининг лаънатига ва газаб-нафратига қандай лучор бўлган бўлсалар, уюштирган хатти-ҳаракатлари ҳам шундай зарбага учради! Улар гоҳо Жазоирда, гоҳо Хитойда, гоҳо Араб мамлакатларида игвогарлик қилиб, уруш чиқаришга ғажжаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар. Лекин империалист урушқоқлар ўйлаган даврлар ўтиб кетди. Ҳозир Тинчлик кучлари уруш кучларини тийиб, нўхталаб қўя оладилар.

Оқни қора дейишга ўрганиб қолган АҚШ империалистлари ўзларининг агрессив сиёсатларини турли рангга бўяб кўрсатишга уриниб, «коммунизм хавфи» деган баҳонани ўйлаб чиқарганлар. Улар бетларига чарм қоплаб олиб, фактлардан кўз юмиб, агрессив планларини ана шундай баҳоналар билан хаспўшлашга уринаётирлар. Бошқа мамлакатлар территориясида ҳарбий базалар, аэродромлар қураётган, кўплаб қурол-яроғлар ишлаб чиқараётган, мамлакатларнинг ички ишларига аралашаётган, термоядро қуроллари синовларини вақтинчалик тўхтатишни ҳам истамаётган АҚШ империалистлари-ку, ахир! Улар уруш васвасасини авж олдираётган бўлса-ю, коммунизм кимга хавф солмоқда экан!

Марксизм-ленинизм миллионларнинг кураш ва ғалаба байроғидир. Марксизм-ленинизмнинг зафарли юришини тўхтатолаётган куч ўқлда йўқ! Ревизионистлар ва реформистларнинг бузғунчилик ҳаракатлари ҳам унинг революцион руҳини бўшаштираолмайди! Коммунизм ғояси — марксизм-ленинизм ғоясидир. Коммунизм меҳнаткашларнинг орзу-истаги ва яқин келажагидир. Жаҳон пролетариатининг курашдан мақсади ҳам ана шундай порлоқ ва ёруғ жамият қуришдир. Коммунизм ғоялари қуёш нури каби жаҳон бўйлаб тарқалаберади, миллионларнинг кураш байроғи бўлиб қолаберади. Уни ҳеч кимга зўрлаб киритиш мумкин эмас!

Улуғ Октябрь социалистик революцияси халқаро империализмга ўнгалмайдиган ўлим зарбасини берди, империализм позицияларини таг-тагидан бўшаштириб юборди. Октябрь революциясидан кейин янги-янги давлатлар империализм исканжасидан нигий, эркин тараққиёт йўлига тушиб олдилар. Хитой халқининг тарихий ғалабаси, Европадаги бир қанча давлатларда янги халқ демократияси тузуми вужудга келганлиги, натижада социализмнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб жаҳон системасига айланганлиги тарихий тараққиётнинг қонуний ўзгариши бўлди. Пашша билан филнинг фарқига бормайдиган ва фарқига боришни истамаётган корчалонларгина буни кўра олмаётирлар. Агар фарқига борганларида эди, Тайванда ўгриларча қочиб ўтирган, ўзини хитой давлати деб ҳисоблаётган Чан Кай-ши тўдасини ҳимоя қилармидилар?! Ҳозирги 600 миллионли Халқ Хитойи қаердаю, Американинг бақинига кириб ётган Чан Кай-ши тўдаси қаерда! Логика, ақлфаросатни қаранг-а! Халқаро Ташкилот—Бош Ассамблейда Чан Кайши тўдасининг мунофиқ вакилларининг ҳаммага мазах бўлиб ўтиргантиги айниқса кулгилидир.

Октябрнинг шонли 41 йиллиги социализм лагери кучларининг монолит бирлиги, ҳамкорлиги ва дўстлиги бениҳоя мустаҳкамланган бир шароитда нишонланмоқда. Октябрнинг ғолиб, дунёни қайта қурувчи революцион байроғи жаҳонга эркинлик, фаровон ҳаёт, тинчлик ёғдусини сочиб турибди.

Октябрь ғоялари—тинчлик, демократия ва социализм ғоялари яшамоқда ва тантана қилмоқда!

М. ҚОРИЕВ.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН

Тошкент Халқ хўжалик кенгаши машинасозлик Бошқармасига қарашли корхона коллективлари юқори иш унумли машиналарнинг янги-янги хилларини тайёрлашни ўзлаштирмоқдалар. Жумладан, «Чирчиксельмаш» заводининг коллективи КЗУ-0,3В маркали универсал текисловчи ва зовур қазувчи машиналар ишлаб чиқармоқда. Яқинда СХС-1,0-1,2 маркали горизонтал-шпинделли ҳамда ХВС-1,2 маркали вертикаль-шпинделли янги пахта териш машиналари синовдан ўтказилди. «Ташсельмаш» заводида тайёрланган бу машина синов пайтида жуда катта афзалликларга эга эканлигини кўрсатди. Ҳозир корхона ишчилари маҳсулотнинг бу янги турини оммавий равишда ишлаб чиқаришга ҳартарафлама пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Шунингдек, «Таштекстильмаш» заводида ип ва шойидан газмол тўқувчи 4 та янги типдаги машина, «Узбекхлопкомаш» заводида эса пахта тайёрлаш пунктлари учун 32 ускунадан иборат қуритиш-тозалаш цехлари комплектлари ва колхоз сушилкалари учун махсус ускуналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Булар орасида ЧХ-3 маркали юқори унумли пахта тозаловчи янги машиналар бор. Бу машиналар илгарилари тайёрланган машиналарга нисбатан пахтани 1,5-2 баравар тез қуритади.

Совнархозга қарашли енгил саноат Бошқармасининг корхоналарида эса ишлаб чиқариш процесслари кенг равишда механизациялаштирилмоқда ва автоматлаштирилмоқда. Тошкентдаги пойафзал корхоналарида иш унуми гоят юқори бўлган янги станоклар ўрнатилди, 2- фабрикада эса поток линияси ишга туширилди. Ана шулар натижасида улуғ байрамгача пландан ташқари 450 минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқарилди.

Тўқимачилик ва тикувчилик трикотаж фабрикаларида ҳам бу соҳада қатор тадбирлар амалга оширилди. Натижада 10 ойлик пландан ташқари 1 миллион 700 минг метр газлама, 200 минг донадан ортиқ устки ва ички трикотаж кийимлари тайёрланди. Ҳозир Чирчиқ фабрикасида болалар пойафзали ишлаб чиқарадиган янги поток линиясини монтаж қилиш ишлари тамомланай деб қолди. 2- тикувчилик фабрикасида эса ҳозирги замон техникаси билан ускуналанган ва иш процесслари тўла механизациялаштирилган янги бичув цехи ташкил қилинаётир.

Мақсуд ШАЙХЗОДА.

Бу кўшиқ!..

Одамзоднинг ҳаётида
нима кўп?
Қўшиқ,
Қўшиқ,
қўшиқ —
Ҳавонинг авзойига ярашиқ!..
Қўшиқ, қўшиқ —
тилакларнинг
эгизак ҳамшираси,
Ширин-ширин хаёллар нинг
шираси.
Қўшиқ
ҳамма тўйларнинг
Косагули,
Шу учун у севгили!
Қайси қўшиқ дилларга
файзуроҳат келтирур?
Хурсанд қилиб кулдирур?
Қўшиқда бўлса умид,
ашулада бўлса нур
кўнгилда доим сурур.
У яхшилик тўйида,
Яхшиликнинг куйида...
Ҳамал чоғи, наврўзда,
Офтобдан тупроққа
келганида илк мужда —
Кўклам туғилган куни
яратилган қўшиқлар
дилга ҳузур бағишлар..
Биз билмаймиз,
юракнинг қайси бир
нуқтасида,
Ҳар ҳолда ўз пайтида,
Ўз созин пардасида
Уйғонган илк муҳаббатни
тараннум этар қўшиқ,
Гоҳ яширин, гоҳ очиқ...
Севгининг зафаридир
Никоҳ тўйлари,
Бу тўйларда ҳофизларнинг
«Васли ёр»
Кўйидаги куйлари
Кўнгилларда ва қуйларда
барқарор.
Фарзанд кўрган
хонадонлар нашъаси,
Нашъаларнинг
у равшан нашидаси,
Эсда турар умрбод,
Чунки, ахир одамзод
Туғилишин қутламоқ
Қўшиқларнинг бурчидир,
Қувониқлик нидоси
най пардасин авжидир.
Чунки диллар ҳамдами:
Бир — яхшилик қўшиғи,
Бир — яхшилик байрами!..
Янги йилнинг умидбахш
кумуш саҳаригача
Знёфатда жарангли
қаҳ-қаҳалар,
Қаҳ-қаҳага нақорат
бўлиб тушган
бўсалар ва нағмалар,
Кўнгил тўйи,
Йил тўйи,
Оқ йўл тўйи,
Эл тўйи —
Гўё Фурқат қаламида
жилваланган
бир ғазал:
Бағоят гўзал!

* * *

Локин ҳамма тўйларнинг,
локин ҳамма қуйларнинг
Сараси
Бош жўраси
Шу байрам ва шу қўшиқ
Дунёмизга ярашиқ:
Октябрь инқилоби!
Октябрь инқилоби!
Қуннинг тунга жавоби...
Бугун битта йилгина эмас,
Бугун бир ўғилгина эмас,
Бугун бир севги эмас,
Бугун бир қулги эмас,
Бугун бир қўклам эмас,
Бугун бир ўлан эмас —
Кишиликнинг оғир,
мушкул таржимаи ҳолида
Машаққатли йўлида
янги тарих туғилди,
Зулматларга чўккан
минг йиллардан сўнг,
Сўнмас ёруғ туғилди.
Коммунанинг
яшил хиёбонида
Телеграфнинг устунларидай
саф тортиб
Ёш асрлар туғилди.
Бугун
Эркка қовушган
Умри узоқ, идроки соғ
Ҳур насллар туғилди.
Бугун,
Бугун
Сен ва мен, —
Барчамиз:
туғилдик...
Дилларидаги ҳар қатрамиз,
парчамиз,
Ҳаёт
нафас,
китоб,
кўприк,
боғчамиз,
Ведомостга қўл қўйиб
олган ҳалол ақчамиз
туғилди,
Бугун,
бугун
беш қитъанинг иқболи,
Одамнинг истиқболи,
Воя топган камоли,
Чин тириклик жамоли
Туғилди!..
Ер юзи китобининг
янги,
қизиқ бобининг
Биринчи саҳифаси
Меҳнаткашга тўҳфаси
туғилди!
Ҳа, биринчи улуғ боби:
Октябрь инқилоби!
Октябрь инқилоби!!

Октябрь жарчиси

Бундан 41 йил муқаддам, 1917 йил 26 октябрь (8 ноябрь)да «Рабочий путь» газетаси ўзининг 46-сонида Россия гражданларига мурожаат қилиб, бундай деб ёзган эди:

«Муваққат ҳукумат ағдариб ташланди.

Давлат ҳокимияти Петроград пролетариати ва гарнизони тепасида турган, ишчи ва солдат депутатлари Петроград Советининг органи — Ҳарбий Революцион Комитет қўлига ўтди...

Яшасин ишчи, солдат ва деҳқонларнинг революцияси!»

Партиямизнинг жанговар органи бўлган «Правда» газетаси Улуғ Октябрь ғалабаси тўғрисидаги ана шу хабарни бутун дунёга маълум қилди.

Туркистонда Октябрь революциясидан кейин чиқа бошлаган дастлабки газеталардан бири «Наша газета»дир. Бу газета ишчи ва солдат депутатлари Ўлка Советининг органи бўлиб, 1917 йил 2 апрелдан чиқа бошлади. Тошкентда Революцион Комитет тузилгандан кейин эса, у 1917 йил 12 сентябрда Революцион Комитет ва Тошкент Советининг органига айланди. 1917 йил 20 сентябрда газета муваққат ҳукуматнинг Туркистон Комитети фармойиши билан ёпиб қўйилган эди. Октябрь қуролли қўзғолонидан кейин 1917 йил 8 ноябрда «Наша газета» Тошкент Совети Ижроия Комитетининг органи тариқасида яна чиқишда давом этди.

«Наша газета» «Правда» газетаси йўлидан бориб ва ундан намуна олиб, ўзининг дастлабки сонларидан бошлабоқ Улуғ Октябрь революциясининг жарчиси сифатида майдонга чиқди. Газета пролетар революциясининг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришда катта роль ўйнади.

Туркистонда биринчи совет газетаси бўлган «Наша газета» Октябрь ғалабасидан кейин чиққан ўзининг биринчи сонида Советларнинг II Бутунроссия съездида қабул қилинган сулҳ тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, В. И. Ленин бошчилигида Халқ Комиссарлари Совети тузилганлиги тўғрисидаги декретларни босиб чиқди. Бу муҳим ҳужжатларда миллион-миллион меҳнаткашларнинг озодлик тўғрисидаги, тинчлик тўғрисидаги орзу ва истаклари ифода этилган.

Бутун мамлакатдаги сингари Туркистон ўлкасида ҳам меҳнаткашлар Совет ҳокимиятининг халққа сулҳ, ер, озодлик берган биринчи декретларини зўр ҳурсандчилик билан қарши олдилар. Бу декретлар уларнинг революцион ташаббусини яна ҳам ошириб юборди.

1917 йил 30 ноябрда «Наша газёта» Совет ҳукуматининг «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» деган Мурожаатини босиб чиқарди. Бу муҳим ҳужжатда партиямизнинг миллий сиёсати яна бир марта баён қилиб берилди.

«Наша газета» Ленин идеяларини пропаганда қилишда айниқса катта роль ўйнади. Унинг саҳифаларида В. И. Ленининг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари», «Уруш ва сулҳ» деган мақолалари ва бошқа нутқлари эълон қилинди. Ленин асарлари маҳаллий партия ташкилотларининг фаолияти учун жанговар программа бўлиб хизмат қилди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг совет матбуоти ўзининг ўтмишдоши «Наша газета»нинг бой революцион традицияларини давом эттирмоқда ва уни янада ривожлантирмоқда.

Т. ЭРНАЗАРОВ.

РЕВОЛЮЦИЯ КУНЛАРИНИ ЭСЛАБ

Т. А. ПАРШИН,
Октябрь революцияси номли паровозвагон ремонт заводининг собиқ ишчиси, Тошкентдаги Октябрь қуролли қўзғолони қатнашчиси, пенсионер.

Бу воқеаларнинг бўлиб ўтганига мана 41 йил бўлди. Мен ўша вақтда 19 дан 20 га қадам қўйган эдим. 1917 йилнинг кузида Тошкент Ўрта Осиёдаги сиёсий воқеаларнинг марказига айланган, бизнинг Қизил шарқчилар мастерскойимиз эса революцион курашларнинг бешиги бўлиб қолган эди. Большевиклар ўзларининг революцион фаолиятларида ана шу корхона ишчиларига суянар эдилар.

Мастерскойда ҳеч бир кун йўқ эдики, митинг ёки мажлис бўлмасин. Мен ана шу йиғилишларда сўзга чиққан большевик нотиқларнинг, революцион кайфиятдаги ишчиларнинг буржуазияни тор-мор қилиш ва Советлар ҳокимиятини ўрнатиш тўғрисидаги нутқларини жуда кўп тинглардим.

1917 йилнинг сентябрь, октябрь ойларида халқ тўлқини янада авж олиб кетди. Ишчилар большевиклар раҳбарлигида буржуазияга қарши кескин кураш бошлаб юборишга ҳозирлик кўрдилар. Айни вақтда иккинчи томонда корниловчилар пролетариатга зарба бериш учун қора кучларни тўпламоқда эди. Вақтли ҳукуматнинг Туркистон Комитети ҳамда уларнинг ҳомийлари — реакцион кучлар Тошкентдаги революцион ташкилотларни йўқ қилиш учун барча чораларни кўраётган эдилар. Бироқ ишчи ва солдатлар ҳам бўш келмадилар, улар қандай бўлмасин революциянинг ғалаба қилишини таъминлашга бел боғлаган эдилар. Биз Россиянинг марказий районларида ҳаракат қилаётган ишчилар синфининг муваффақиятларидан малал олардик.

28 октябрь (10 ноябрь) эрта билан корхонамизда негадир одатдагидан барвақтроқ гудок чалинди. Мен нима бўлди экан, деб дарҳол бу ерга етиб келдим. Завод ҳовлисида жуда кўп ишчилар, шунингдек 1-Сибирь запас полкининг солдатлари тўпланган эдилар. Митинг бошланди. Ишчи ва большевиклар контрреволюциянинг ўз қабиҳ ниятини амалга ошириш учун бош кўтарганлигини, ишчиларни қуролсизлантиришга ҳаракат қилаётганлигини фош этдилар. Сўзга чиққан нотиқлар ишчи ва солдатларга мурожаат қилиб, контрреволюционерларни қуролсизлантириш ҳамда ҳокимиятни Советларга олиб беришга чақирдилар.

Митинг тамом бўлиши биланоқ барчамиз полк складларига қараб югурдик ва у ердан қурол-аслаҳаларни олдик. Мен умримда биринчи марта қўлимга қурол олдим. Мен билан бирга ҳаётида қўлига милтиқ ушламаган ёш ишчилар ҳам контрреволюцияга қарши қуролландилар. Советлар учун кураш бошланди. Биз бу курашда ҳеч сўзсиз ғалаба қозонишимизга қаттиқ ишонар эдик.

Шу куни кечгача корхонамиз ён-теварагида ҳамда темир йўл нарёғидаги марказий кўчаларда шиддатли жанг давом этди. Юнкер ва пропорщиклар бизга икки томондан ҳужум қилардилар. Ишчи ва солдатлар аҳиллик билан оқларнинг ҳужумларини қайтариб турдилар. Оқгвардиячилар жон-жаҳдлари билан: «Қуролларингни ташланглар, барибир тор-мор бўласилар!» деб бақиришарди. Ишчилар эса бунга жавобан: «Бир томчи қонимиз қолгунча жанг қиламиз, лекин сиз аблаҳларга ўз позициямизни бермаймиз!» дердилар. Жанг ярим кечагача давом этди.

Эртаси кун оқларга қарши қатъий ҳужумга ўтдик. Солдатлар ишчиларга командирлик қилдилар. Мен яхши эслайман, бизнинг командир ҳам оддийгина, лекин жуда хушчақчақ йигит эди. У, қуролли ишчиларга ҳазиллашиб бундай дерди:

— Сиз, йигитлар ўқдан қўрқмангиз, агар у пешонангизга тегса, сирғаниб кетади, мабода оғзингизга кириб қолса, уни дарҳол ютиб юборабериng...

Ишчи ва солдатларнинг қаҳрамонона кураши натижасида 1 ноябрь (14 октябрь) тонг отарида оқгвардиячилар устидан шонли ғалаба қозонилди. Тупроқ-қўрғон дарвозаси очилди, контрреволюционерлар тор-мор қилинди. Тошкентда Октябрь қуролли қўзғолони ғолиб чиқди. Тошкентда ҳокимият Советлар қўлига ўтди.

Бироқ пролетариатнинг бирин-кетин қўлга киритаётган ғалабаси сотқин генералларни, буржуазия малайларини ғазабга келтираётган эди. Шунинг учун ҳам улар мамлакатнинг у ер-бу ерида революцияга қарши исёнлар кўтардилар, халқни большевикларга қарши тургузмоқчи бўлдилар. Ана шундай исёнлардан бири Дутовнинг контрреволюцион ҳаракати эди. Казак бандаларидан иборат бўлган Дутов отряди Россия билан Ўрта Осиёни бир-бирига боғлаб турган Оренбургни эгаллаб, қонхўрлик қила бошлаган эди.

Тошкент ишчилари ва солдатлари Халқ Комиссарлари Советининг раиси, революция доҳиси Владимир Ильич Ленининг Оренбург революционерларига ёрдам бериш кераклиги тўғрисидаги Чақиригига жавобан жангга отландилар. Биз, 600 кишидан иборат Қизил гвардиячилар Оренбургга қараб йўл олдик.

Йўлда бизга жуда кўп қўнгиллилар ҳам қўшилишди. Эшелонимиз Оқбулоқ станциясига етиб келганида бу ердаги деҳқонлар негадир бизни ётсираброқ қабул қилдилар. Кейинчалик билсак, бундан бир неча кун илгари Дутовнинг бандитлари большевиклар ниқоби остида деҳқонларга озор беришибди, мол-мулкларини талаб ва ҳатто ёш болаларини ўлдиришибди. Биз коммунистларга хос чидам ва матонат билан аста-секин уларнинг муҳаббатини қозондик. Улар бизни нон, сут ва бошқа озиқ-овқат билан таъмин этиб турдилар. Отрядимиз Оренбург большевиклари ва ишчилари билан бирлашиб, Дутов бандасини ер билан яксон қилди ва ғалаба билан яна Тошкентга қайтиб келди. Тошкентда ҳам авантюристлар — меньшевиклар оқгвардиячилар, эсерлар биргалашиб, контрреволюцион исён кўтарган экан. Биз тез кунда уларни ҳам янчиб ташладик ва Совет ҳокимиятини мустаҳкамладик.

Партияга минг раҳмат!

Тўрт ёшга кирганимда отам вафот этиб, етим қолдим. Ўтмиш замонларда етим қолиш, тул қолиш болалар ва оналар учун катта бахтсизликкина бўлмай, балки фожиа ҳам эди. Айниқса камбағал оилада туғилган болалар ота-онадан етим қолганда қаровчисиз, бошпанасиз сарсон ва саргардонликда кун кечирар эдилар.

Ҳақиқат қуёши порлаб, оқсоқлар, тул ва етимларнинг елкасига офтоб тегди — Октябрь революцияси биз учун янги ҳаёт қучоғини очиб берди. Октябрь революциясининг дастлабки энг лаззатли меваларидан бири — совет мактаби бўлди. Мен ва мен каби етим-есирлар шу совет мактаби қучоғида тарбиялана бошладик.

Озодлик қуёшининг ёғдирган заррин шўъалари менинг болимда ҳам порлар эди. Мен энди етим эмасдим. Қорним тўқ, устим бутун. Орадан кўп ўтмай, ўрта маълумотли бўлдим. Ленинчи комсомол мени вояга етказди, келажагим порлоқ. Ўқишни давом эттириб, 25 ёшимда Ўрта Осиё ишчилар факультетини муваффақиятли тамомлаб, халқ хизматига узатилдим. Қўлдан келганча халққа бажонидил хизмат қилдим.

Улуғ Ватан уруши йилларида ожиз бўлиб қолдим. Кўзим ожиз, қўлимда ҳасса, йўлда тортинаман. Аммо ғалаба нашъаси билан тўла қалбим менга кўзлик ҳам қилади. Меҳнат жўшқин ураётган ҳаётга қалб кўзи билан қарайман. Миллион-миллион ватандошларимнинг қилаётган катта ишларини юрак орқали сезиб тураман.

1956 йил 14 июлда СССР Олий Совети томонидан қабул қилинган давлат пенсиялари тўғрисидаги янги Қонун мамлакатимизда инсон ҳақида қилинаётган ғоят катта гамхўрликнинг янада ёрқин ифодаси бўлди. Янги қонунга мувофиқ пенсия миқдорининг кўпайтирилиши ва пенсия билан таъминлаш масалаларининг умуман тартибга солинганлиги биз, пенсионерларнинггина эмас, бутун совет кишилари ҳаётида янада қувончли воқеадир.

Гражданларнинг қариб қолганида, меҳнат қобилиятини йўқотганида ва касал бўлиб қолганида моддий жиҳатдан таъминланиш ҳуқуқи Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаларидан биридир.

Жонажон партиямиз ва совет давлатининг халқ фаровонлигини янада юксалтириш борасидаги доно тадбирларидан бенихоя илҳомланган совет кишилари прогрессив инсониятга бахт йўлини очиб берган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 41 йиллигини халқ хўжалиги ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида янгидан-янги меҳнат зафарлари билан кутиб олмоқдалар. Бу ғалабалар эл қатори мени ҳам беҳад қувонтиради.

Баланд овоз билан айтаманки, мен ногиран эмасман. Мен совет кишиси, катта бахтиёр оиланинг фарзандиман. Мен ва мендекларга яратилган кенг имкониятлар учун Совет давлатига, жонажон Коммунистик партияга умримнинг охиригача ҳар қанча миннатдорчилик билдирсам ҳам, озлик қилади.

Йўлдош ФАЙЗИЕВ.
пенсионер.

Давлатга 5300 тонна пахта топширдик

Партия ва ҳукумат янги ерларни ўзлаштириб, пахтазорларни кенгайтираётган колхозчилар тўғрисида ҳамма вақт оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқда. Биз Боёвут чўлларини ўзлаштириб, коллектив хўжалик тузганимизга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Шу давр ичида биз давлатдан жуда катта ёрдамлар олдик ва натижада хўжалигимизни ҳар тарафлама мустаҳкамлашга эришдик.

Ҳозир колхозимиз областда эмас, ҳатто республикада йирик хўжаликлардан ҳисобланади. Бу йил 2300 гектар ерда пахта етиштирдик. Кўкламда ва ёзда бўлган ноқулай об-ҳаво ишларимизни бирмунча мураккаблаштирди. Лекин мамлакатга ҳар қачонгидан кўп пахта етиштириб бериш мажбуриятини олган пахтакорларимиз ана шу қийинчиликларни енгдилар.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти йиғим-теримга тушишдан олдин дала ишларини ўтказиш юзасидан махсус график тузиб чиқди. Бунда қайси ўн кунликда қайси бригада қанчадан пахта топширини шароитни тўла ҳисобга олган ҳолда аниқланди. Правление ва партия ташкилоти шу графикнинг бригадаларда тўла бажарилишини таъминлаш учун контролликни ва талабчанликни кучайтирди. Натижада колхоз дастлабки кунларда йиллик планнинг 1-1,5 проценти миқдорида пахта топширган бўлса, кейинги кунларда суръатни кучайтириб, 2,5-3 процентдан, ҳатто ундан ҳам кўпроқ пахта топширишни таъминлади.

Йиғим-теримда муваффақиятларга эришишимизда бригада ва звенолар ўртасида ҳамда колхозчиларнинг ўзаро социалистик мусобақаси катта роль ўйнади. Ҳар бир киши Октябрь социалистик революциясининг 41 йиллигини меҳнатда янги совғалар билан кутиб олиш учун курашиб яхши натижаларга эришди. Ўнлаб теримчилар мавсум нормаларини 1,5-2 ҳиссадан бажардилар. Ҳозиргача биз давлатга 5500 тонна пахта топширдик. Бунинг ҳаммаси фақат биринчи сортга қабул қилинди.

Байрам олди мусобақасига қўшилган О. Раззоқов, Э. Донаев, Ф. Суяров, Н. Холмирзаев, Ф. Шукруллаев ўртоқлар бошлиқ бригадалар шу кунларда мажбурият ҳисобига пахта топшириб йиллик планнинг муваффақиятли адо этилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда бизга шаҳар меҳнаткашлари ва студентлар катта ёрдам кўрсатишаётир.

Биз ҳозиргача 5300 тонна пахта топширган бўлсак ҳам ҳали далямизда ҳосил кўп. Колхоз аъзолари, ёрдамчилар ана шу ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай, тез кунларда йиғиб-териб олишга қарор қилганлар. Биз суръатни янада кучайтириб, мамлакатга 6 минг тонна пахта етказиб бериш тўғрисидаги социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз. Бу, КПССнинг XXI съездига бизнинг меҳнат совғамиз бўлади.

Т. ЛАТИПОВ.
Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Ўзбек халқининг бу йил мамлакатга 3 миллион тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун олиб бораётган қаҳрамонона курашига муносиб ҳисса қўшаётганлар. Суратларда: (биринчи қаторда чапдан) Октябрь районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг аъзоси Ойдин Маманова, Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг кўпминг килограммчи теримчиси Шодой Муродалиева, Юқори Чирчиқ районидаги «III Интернационал» колхозининг аъзоси Мария Сариева, Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг бригадири Мустафоқул Тўраев, «Оққўрғон» совхозининг теримчиси Жумагул Олломуродова, Тошкент фармацевтика институтининг Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозида пахта тераётган студенти Марҳамат Абдуҳолиқова ўртоқлар. (Иккинчи қаторда чапдан), Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозининг ҳозиргача 12 тонна яқин пахта терган аъзоси Жўрақул Маҳкамов, Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг звено бошлиғи Ҳури Мусерова, Сирдарё районидаги «Правда» колхозининг аъзоси Ҳабиба Ражабова, «Таштекстильмаш» заводининг Гулистон районидаги Ленин номли колхозда пахта тераётган ишчиси Валя Антонова, Мирзачўл районидаги «Коммунизм» колхозининг теримчиси Т. Шомуродова, Низомий номидаги давлат педагогика институтининг Октябрь районидаги Сталин номли колхозда пахта тераётган студенти Мавжуда Доннёрова ўртоқлар.

В. Салов, М. Шевелев, М. Устабобоев, А. Абдуазимов фотолари.

РЕПОРТАЖ

ПЕШҚАДАМ СТУДЕНТЛАР

„Ҳамма пахтага!» Букуннинг шиори ана шу. Бу шиорга В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университетининг комсомоллари биринчиларидан бўлиб, амалий ишлари билан жавоб бердилар. Филология факультетининг V курс студенти Хўжаниёз Бобониёзов бошчилигидаги 27 студентдан иборат «ВЛКСМ 40 йиллиги» номли зарбдор комсомол-ёшлар бригадаси Пискент районига чиқиб кетди. Бу 27 азамат шонли комсомолнинг 40 йиллиги куни — 29 октябрда ваъда қилинган 120 тонна пахтани териб берди. Илғорларнинг илғорларидан Эркин Мадраҳимов, Машариф Самандаров, Роза Тиллаевалар айниқса намунали иш қилдилар.

Лекин университетнинг бошқа теримчилар бригадалари ҳам зарбдорлардан қолишмасликка ҳаракат қилмоқдалар.

Кун ботишга яқинлашмоқда. Қуёш пағ-пағ булутлар орасида гоҳ йўқолар, гоҳ яна ялт этиб чиқиб, борлиқни қизғиш рангга ғарқ қилади. Лекин ана шу дамда, гарчи иш куни тамом бўлган бўлса ҳам ҳеч кимнинг даладан чиққиси келмайди: қарчоқлар унутилади, баркмоқлар беихтиёр чаноқларга интилади, этаклар эса тез-тез тўлиб, оғирлашади. Иш тўхтамайди. Ҳув, пайкалнинг этагида бир қиз ашула бошлади. Студентлар этак ва қопларга солинган пахталарни кўтариб, хирмон томон йўл олдилар. Ҳисобчининг иши қизиди... Лекин тўрт киши ҳали хирмонга ошиқмас эди. Тўртталови ҳам абжир, чаққон, чиниққан, дала шамолида бироз қорайган. Булар — Акромов, Назиров, Раҳматов, Мадаминовлар — бўлажак тарихчилар. Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда туғилиб ўсишган. Лекин ҳар бири ўзига хос бир ҳаёт мактабини ўтган. Акромов билан Назиров дengизчи: бири Қора денгизда, иккинчиси Болтиқ денгизида хизмат қилган. Ана шу бир неча йиллик ҳарбий хизмат пайтида улар денгизни ўзларининг жонажон пахтазорларидек севиб қолган эдилар. Раҳматов Львов яқинида пиёда аскарлар сафида хизмат қилди. Мадаминов эса реактив самолётида Киев аэро вокзалидан бир неча бор парвоз қилди.

Мана улар ҳарбий хизматни тугатиб, САГУга қабул қилинидилар. Улар Армияда ўртоқлик, иродалилик, интизомлилик каби ажойиб фазилатларни орттирдилар, меҳнатсевар ва дўстларига меҳрибон кишилар бўлиб етишдилар. Ана шу фазилатларнинг ҳаммаси бугун пахта далаларида иш бермоқда.

Нарироқда Толмас Норов пахта тераётир. Унинг хирмонга келаётганини кўрган одам беихтиёр табассум қилади. Толмас кўтариб келаётган копи олдида жуда кичкина бўлиб кўринади. Пахта теришга келганда унга баҳслашадиганлар кам. Унинг вазни 35 килограмм келса, терган пахтаси 80 килограмм чиқиби Баъзи кунлари бир центнердан оширади.

САГУ комсомоллари Катта Оҳангарон қурилишида ҳам, Мирзачўлда ҳам, Қозоғистон миллиарди учун курашда ҳам жонбозлик кўрсатган эдилар. Бугун эса уларни пахтазорларда уч миллион тонна учун олиб борилаётган катта курашда кўриш мумкин. САГУ студентлари республикамиз бу йил топширадиган 3 миллион тоннанинг 6 минг тоннасини териб бериш учун Бўка районининг колхозларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

В. АЛИМОВ.

МЕНИНГ ОЛТИНИМ

Куз файзида хаёлим,
Води кезиб ўтарман,
Хаёлимда иқболим,
Уни ҳар тонг кутарман,
Рўпарамда беҳисоб,
Толаси худди офтоб,
Ёғду сочиб зар бўлиб,
Зар эмас, зафар бўлиб,
Кутар хурсанд очилиб,
Чаноқларга сочилиб
Менинг олтиним,
Менинг олтиним.

Белга этак бойласам,
Шивирлайди ҳар чаноқ:
Қалбингдаги аҳд, қасам,
Мен бўламан, менга боқ.
Терсанг катта хирмонинг,
Тузсанг элга карвонинг,
Кийсанг кийим-алвонинг,
Билсанг менман жаҳонинг,
Шунинг учун тер, ўғлон,
Десанг нафис, қадрдон
Менинг олтиним,
Менинг олтиним.

Куз фаслининг чиройи,
Ҳусним билан тўлишар,
Иссиқ бағрим эл жойи
Улуғлансам яшнар,
Шунинг учун ёш-қари,
Этак тутиб шод бари,
Эгат бўйлаб шошилар,
Шунда баҳрим очилар,
Ўзни кўрсат майдонда,
Қолмасин деб бўронда
Менинг олтиним,
Менинг олтиним.

Тоғлар ёпиниб оққа,
Қиров қўнар кечаси,
Бу дам зеб бериб боққа
Кўринмайдиг меваси,
Ҳосил уюб боғбонлар,
Кўчат танлар бу онлар,
Полизларнинг хирмони
Бўлган эл дастурхони,
Фақат бирдай ярқираб,
Яшнаб турар йўл қараб
Менинг олтиним,
Менинг олтиним.

Ҳар кўчатда эътибор,
Мардлар қўлини истар,
Сепин ёйиб пахтазор,
Элни суръатга қистар,
Вақт ғанимат дер букун,
Интизорман сен учун,
Қўлларингда жон бўлай,
Адо бўлмас кон бўлай,
Юқтирмагин гард, ғубор,
Тергин, қилиб ифтихор
Менинг олтиним,
Менинг олтиним.

Чеварларнинг шуҳрати,
Билинур хирмон билан,
Келгай мардننг роҳати
Туғган у карвон билан,
Она-Ватан меҳрини —
Билсанг, сев қир, ерини,
Водиларда эрта-кеч,
Бўшашмасин ғайрат ҳеч,
Элга этсанг армуғон,
Дерсан севниб шуон
Менинг олтиним,
Менинг олтиним.

Чексиз адр, қирларни
Кўз олдимга келтирсам,
Кезиб сахий ерларни,
Бўлиқ ҳосилни терсам,
Мадҳин куйлаб, мен уни
Ватанга тортиқ бўлур,
Бундан не ортиқ бўлур,
Юрсам дала, қир томон,
Тергин тезроқ дер шу он
Менинг олтиним,
Менинг олтиним.

НАЗАРМАТ.

Раҳмат ФАЙЗИЙ

ХИКОЯ

Кечка томон ҳаводаги булутлар қуюқлашиб, юз-қўлларни чимчиб оладиган қорасовуқ турди. Эрталабки қуёшга ишониб, енгилроқ кийинган ва ҳали пайкалда пахта тераётганлар совуққа бардош беролмай, шийпонга чиқишди. Қўққисидан тушган бу совуқ кишиларни шошилтириб қўйди, боя, қуёшда кузги ҳуснини намоён қилиб турган дала ҳам жун-жиди, яккам-дуккам сариқ барглари шитирлаб турган ялангоч дарахтларнинг шохларига титроқ турди.

Бусиз ҳам куни бўйи кўнгли ғаш, дарди-дунёси қоронғу бўлиб юрган Фарғат беихтиёр нимчасининг юқори тугмаларини солди-да, ҳавога қаради, кейин, пайкалдан чиқиб кетаётган йигит-қизларга кўзи тушди, қайси бир қиз узоқдан қўл силтаб бир нарса деди, аммо шамол унинг сўзларини бошқа томонга олиб қочди, Фарғат нималигига тушуна олмади, ҳозирги ҳолатида тушунишни истамасди ҳам. Тирсагидан пастигача шимарилган билаги, юзларига тикандек совуқ урилди-ю, бутун вужуди бамисоли олов бўлиб ёнарди. Истар-истамас чаноқларга қўл узатди, ҳар тилимининг учи найзадек тегаётган чаноқ қобиғи ўжарлик қилиб, қисиб олган бир-икки чигит пахтани қўйиб юбормасди. Фарғат «сенам бормидинг кўнгилни хира қилмаган» дегандек, қошларини чимириб осмонга яна бир қараб олди-да, пайкалдан чиқди, тарозибон ёнига бориб, этагини тўқди-ю, индамай кетаверди. Икки қадам юрмаган ҳам эдики, шу ерда турганлардан кимнингдир «тоби қочиб турибдими дейман, авзойи бузуқ» деганини эшитди, қадамини тезлатди.

— Фарғат-ў, — чақирди тарозибон.

Фарғат орқасига ўгирилди, «ёзиб қўяверинг» деб қўли билан имо қилди-да, ўзидан катта одамга узоқдан туриб шундай жавоб қилгани ёлғонлаб эмаслигини ҳам унутиб, йўлида давом этди. Тарозибон бошқа гап айтмади, ёнида турган йигитга «айтганингиз ростга ўхшайди, бўмаса граммигача ҳисоб-китоб қилиб, кейин кетарди», деб кўйди.

Уфқ қорая бошлаган эди. Фарғат шийпонда чироқ ёқилгани, бел-олти кишининг борлигини кўрди-ю, қайрилмай тўғри уйига қараб йўл олди.

Катта ҳовлининг чап томонидаги ўчоқда ёнаётган оловни шамол тагтуги билан кўчириб кетадигандек ловуллатарди. Фарғат эшиклан кириши билан ўчоқ бошида ивирсиб юрган онаси югуриб қизининг ёнига келди, қўлини нари-бери этагига артиб, Фарғатни бағрига босди.

— Баракалла қизим, — дея юзларидан ўпа бошлади. Онасининг бундай одатини билмаган Фарғат хайрон эди, кетма-кет «Сизга нима бўлди ойи, тинчликми?» дерди.

— Нима бўлдиймиш?! Қизим элга берган ваъдасининг устидан чиқади, ҳаммаларнинг тилига тушади-ю, мен севинмай ким севинсин. Ўн икки минг кило деб сўз олганингда юрагим орқасига тортиб кетувди. Эпласа тузук, эпполмай, қиз нарса кўп ғозида гап бўлиб кетса-я, деб кечалари уйқум ўчиб кетарди-ю, билдирмаслим...

— Ўзингизни босинг ойи, шунча терган бир менми, оширгандар ҳам бор-ку...

— Бор бўлса бордир-у, ҳазилакам иш эмасла ўзи. Ҳозиргина радиода ҳам гапирди. Ваъдасига вафо қилган аллақандай паҳлавонми-ей, қаҳрамонми-ей, девди, ғозим очилиб, ағрайиб қолдим.

Радио сўзини эшитган Фарғатнинг ҳаёли қочди. Секин айвон томонга ўтди, уйнинг ҳовлига очиқ деразасида турган репродуктор ёнига борди, эшиттирилаётган концерт унга ёқмади шекилли, ўчирди. Қизининг ҳолатини сезмаган она ўзиданўзи қувониб қозон тепасида ўралишарди.

— Радиода эшиттирган бўлса, у ҳам эшитгандир, — деди ўзича Фарғат областдан қўйган суви ҳовучида қолиб, — эшитган бўлса... — ҳовучидаги сув силжиб тамом бўлди ҳамки, икки кўзи гулзор ўртасидаги қовжираб қолган, шамолда силкинаётган ошрайҳон тапасига тикилган эди. Юзи, пешона ва чекка сочларидаги сувнинг совуқлиги сезилмаганда, шу зайлда яна канча ўтириб қоларди, билиш қийин. Уйга кириб артинди, уй қўйлагини кияр экан, кўксидаги тўрт буклоқлик қоғозни олди, чироқ яқинига бориб, уни очди, суратга тикилди. Қуюқ бароқ қош тагидан тик қараб турган чарос кўзлар бир нафас кизни сиҳрлаб қўйгандай уни ўзига тортди. Ҳамма нарса унутилди, сўнгги кунлардаги, айниқса бугунги кўнгил хиралиги ҳам эсдан чиқди, гўё бу кўзлар унга «сира кўнглингизни бузманг Фарғатхон, туну-кун ҳаёлим сизда» деяётгандай бўлди. Фарғат айвонда онасининг шарпасини эшитиб, суратни яшириди, ойнага қараб, сочларини тўғрилай бошлади. Бирдан уни юпатган ширин ҳаёл узоққа чўзилмади, тушдай ўтиб кетди. Ҳа, фақат ҳозир эмас, кейинги кунларда суратга ҳар тикилганида шундай бўлади-ю, тагин бояги аслига, минг хил ҳаёлларга, бири-биридан чигал, бири-биридан хунук ҳаёлларга ғарқ бўлар, баъзида кўз ёши ҳам қилиб оларди. Юлдуз санаб чиққан кечаларнинг-ку саноғини йўқотди. Ана шундай бедор тунларда ўзи гапириб, ўзи жавоб берар, қойнарди. «Бир нарса бўлдими ўзи менга. Биров эшитса-я. Ҳамма қизлар ҳам шундай бўлармикин, ҳеч қайсиси ҳам эшитмасдим-ку. Йўқ. Ҳеч ким мендай бўлмайди. Агар уларнинг ҳам шунақа Аъзамжон акаси бўлса-ку, мендан ҳам баттар ўйларди-я, йўқда, бўлганда ҳам ҳеч-ҳеч Аъзамжон акамга ўхшамайди, ўхшаб бўпти ҳам...» Ўзи билан ўзи олишар, охирида ҳаммасини бир чеккага қўйиб, ўша, биринчи кун, шийпон ёқасидаги учрашувдан тортиб, ҳозиргисигача бирма-бир кўз олдига келтирар, ҳеч нарсани тушириб қолдирмасликка уринар, агар, орасида, бир оғиз сўз тушиб қолса, қайта хотирлар ва ниҳоят ширин ҳаёллар оғушида кўзи уйқуга кетарди.

Бунга ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Шийпон ёнига иккита трактор келиб тўхтади. Бригада аъзолари гур этиб унга пешвоз чиқишди. Биров тракторчиларга «хуш келибсизлар» деди, бири «марҳамат», яна кимдир «машинага қараб қолдик-ку» деган эди, шунда иккинчи тракторда тушган ўрта бўйли, қорачадан келган, бароқ қош, чарос кўзли йигит Фарғатга шундай бир тикилдики, қизнинг кўзлари бардош беролмади. У бошини қуйи солди, шунда йигитнинг «машинага қараб қолдик»ларидиб, пайкал ичига кириб кетди. Шу куни кечгача қандай ишларнинг ҳам билмади. Кўнгли тезроқ уйга кетишни, ёхуд қир томонга бориб, якка ўтиришни истарди. Ўртоқларининг гапига қулоқ солгуси келмас, фақат тинчлик, ҳолиликни қўмсирди. Шу куни кечқурун онасига ҳаётида биринчи марта ёлғон гапирди, бошим оғриб турибди, деб овқат ҳам емай, барвақт ётиб олди. Тонг саҳаргача уйқуси келмади. Нима бўлаётганига сира тушуна олмасди. Ўйламай деса ўй қолиб чиқар, кулоклари остида тракторчининг сўзлари «бизни унутасизми» маъносида жаранглади.

Фарғат бир неча кунгача шу олпозда юрди. Тракторчи бошқа участкада бўлгани учун уни кўролмасди. Аммо кун ўтган сайин қаердан трактор овози келса, беихтиёр ўша томонга қулоқ солиб, ҳаёли қочарди, тракторчи деган номни радиода эшитадими, газетада ўқийдими, кишилар оғзидан қулоғига чалинадими, ҳар сафар бир хил бўлиб кетар, ранглари ўзгарар, унинг бу ҳолатини биров кузатаётгандай ёнверига қараб кўяр-ди...

Орадан икки ҳафта ўтди. Бир куни кечқурун Фарғат қишлоқ магазинидан олган нарсаларини кўтариб кетаётганида, худди канал ёқасида, кимдир орқадан келиб, ичидаги нарсалари кўплигидан оғзи ёпилмай қолган сумкасини олди. Ялт этиб қараса... Ўша, Ўша бароқ қош, олов кўз йигит. Фарғат қўрқиб кетди, дод деб юборишига сал қолди. Даг-даг титрар, тилига гап келмас, сумка ҳам, чап қўлидаги коробка ҳам йигит қўлига ўтган, ерга қараганича турарди. Аъзамжон бўлса зўр бериб «кечирасиз, халақит... кетишим мумкин... фақат...» деганга ўхшаш гапларни такрорларди. Фарғат ўзига келолмай, юришини ҳам, турaверишини ҳам билмасди. Охири алланималар деб, икки қадам олдинга тушиб йўл бошлаган Аъзамдан орқароқда борди. Бора-боргунча тилига гап келмади. Кўчасининг оғзидагина зўрға «раҳмат» деб, сумкани йигитнинг қўлидан олди.

Шундан кейинги учрашувлар... Буларнинг саноғи йўқ. Аммо ҳар учрашув бири-биридан оловли, бири биридан ширинки... Мана ҳозир Аъзамжоннинг сурати ҳам Фарғатнинг юрагига ўт ёқаётипти. Нега энди у хафа? Бутун гап шунда. Бу йил Аъзамжон нариги, янги ер участкасида машинада пахта тераётипти. Ораси анча йўл. Мана бугун роса уч ҳафтадирки, Фарғат Аъзамжонни кўргани йўқ. Икки ҳафтасини бир амаллаб, суратига тикилиб, эски хатларини қайта-қайта ўқиб ўтказди. Аммо кейинги кунларда жуда-жуда соғинди. Шундай соғиндики, эрка деса йиглаб юборгудай, — яшириншинг нима кераги бор, кимнинг бошидан ўтмаган дейсиз, бу савдолар, — Аъзам деган номни эшитса, юраги орзиқиб тушадиган бўлиб қолди. Назарида бутун борлиқ — меҳнат ҳам, роҳат ҳам, бахт-саодат — ҳаммаси фақат шу, Аъзамжон. Усиз ўз ҳаётини тасаввур қилолмасди. Мана энди уч ҳафтадан бери кўролмагани, ундан хабар олмаганидан дарди-дунёси қоронғи. Бунинг устига звенодаги қизларнинг гоҳ ҳазил, гоҳ шама қилиб айтганларини жон-жонидан ўтиб кетарди. «Янги ерда янги ёр топипти» деса бири, «ўзи енгил йигит» дейди иккинчиси. Айниқса бугун, туллик пайтида ёмон бўлди. Фарғат ўн икки тонна пахта териш мажбуриятини шу бугун эрталабоқ бажарди. Туллик вақтида уни ҳамма таҳриклади, раиснинг ўзи қўлини қисиб, катта мукофот ваъда қилди. Шунда, кувончи юрагига сиғмай турганида бетга чопар қизлардан бири «Аъзамжон бўлганида табриклаб қўярмиди» деб пичинг қилувди, Фарғатни совуқ тер босгандай бўлди. Хурсандчилиги ичига тушиб, юраги сиқила бошлади. Уйга қайтар чоғида, «наҳотки...» деб кўнглидан ўтказгани, кўзига ёш олганининг боиси шу. Нима қилсин? Таваккал қилиб борай деса, номус кучлик қилади, гап бўлади деб чўчийди. Бормай деса... ўзи кичкина болами, бир баҳона топиб тушиб кетса нима бўпти.

Фарғат ўз хаёллари билан бўлиб, ташқарида буралаб қор ёға бошлаганини ҳам пайқамади. Овқат кўтариб кирган онасининг юзлари совуқдан қўқарган эди.

— Ҳаво ёмон айниди-ку, бу нимассийди...

Фарғат югуриб даҳлизга чиқди, қорнинг буралаб ёғиши оппоқ пахтазорни кўз олдига келтирди. Гўё унда ўз машинаси устида совуққа қотиб Аъзам тургандай.

— Ёмон бўлди ойи, ҳали озмунча пахта бормиди далада, — у онасига шундай деди-ю, дилида «Аъзамжон акам қаердайкин» деган саволни ўтказди.

— Эшик тақиллаймми Фарғат?

— Туш кўряпсизми, шамол-ку.

Тақиллагани рост эди. Устига резинка плашч кийган почтальон кириб келди.

— Сайдалиеванинг ҳовлиси шуми?

(ОХИРИ ТУРТИНЧИ БЕТДА).

Ўртасарой районидаги «Коммунизм» колхозининг ўтроқ Ўталбой Йўлдошев бошлиқ бригада аъзолари улуғ байрам шарафига мусобақани кучайтириб, давлатга кундан-кунга кўпроқ пахта топширмоқдалар. Расмларда (чапдан): бригада бошлиғи Ў. Йўлдошев. Пахта қуритиш устаси Серкбой ота Жўлдибеков. Бригадага ёрдам бераётган Ташкентдаги «Социализм» артелининг илғор ишчиларидан Эргаш Умаров ва шу кунгача 10 тоннадан ошириб пахта терган бригада аъзоси Ҳабиба Эргашева ўртоқлар.

Н. Меламед чизган расмлар.

Раҳмат сизга, шаҳарлик биродарларимиз

БАЛЛИ АЗАМАТЛАР

Колхозимиз райондагина эмас, областимизда ҳам энг улкан хўжаликлардан бири ҳисобланади. Бу йил 1300 гектар майдонда пахта етиштирганмиз, ҳар гектаридан 30 центнердан ортиқ «оқ олтин» топширамиз деган аҳдимиз бор. Шу кечакундузда катта-кичик ҳар бир пахтакор анд шу юксак мажбуриятга яраша етиштирилган мўл ҳосилнинг тақдири тўғрисида ўйламоқда.

Колхозчиларимизнинг илк баҳордан то ҳанузгача қилиб келаётган меҳнатининг меваси бўлган мўл ҳосилни йиғиб-терib олишда шаҳарлик биродарларимиз ҳам ўзларининг баракали ҳиссаларини қўшмоқдалар. Мен бу ерда Тошкент Давлат медицина институти студентлари ва ўқитувчи-профессорлар коллективининг бизга бераётган ёрдами тўғрисида бир неча оғиз гапирмоқчиман. Институт даволаш ва педиатрия факультетларининг иккинчи курс студентларидан 250 киши октябрь ойининг еттинчи кунидан буён колхозимизда пахта терилаяпти. Ҳурматли профессор Аброр Содиқов бошчилигидаги ўқитувчилар ҳам улар билан кечаю-кундуз бирга.

Шу давр ичида студент йигит-қизлар колхозимизнинг 400 тоннадан ортиқ пахтасини териб беришди. Бу, колхоз бўйича йиллик пахта топшириш планининг қарийб 10 процентини ташкил этади. Кунлалик терим нормаси 60 килограмм белгиланган ҳолда олди студентлар энг яхши теримчиларимиз қатори 150—200 килограммга етказиб пахта термоқдалар. Азаматлар ғайрат қилиняпти, ёшингарчилик кунларида ҳам терим суръатини бўшаштирмадилар. Биз ҳам уларнинг меҳнатини муносиб тақдирламоқдамиз. Кўп пахта терилган ўн кунликларнинг бирида колхоз правлениеси битта қўй ва илғор теримчи-студентларни мукофотлаш учун 1300 сўм пул берди. Териб топширилган ҳар килограмм пахта учун улар колхозчиларимиз қатори ўз вақтида 40 тийиндан пул олиб туришибди. Колхозда пахта тераётган студентлар учун ҳамма шароит яратиб берилган.

Ҳали ерда юкимиз кўп. Ўзбек халқининг «қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди» деган кўп ҳикматли гапи бор. Азаматларга минг раҳмат. Биз уларнинг кучи билан олтин бойлигимизнинг то охирги граммигача йиғиб-терib оламиз, шундай қилганимиздагина план тугул, ўз зиммамизга олган мажбуриятимизни ҳам шараф билан адо этамиз.

А. УБАЙДУЛЛАХУЖАЕВ,
Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

КЎМАКДОШЛАРИМИЗ

Биз бу йил давлатга 15 минг тонна пахта топширишга аҳд қилганмиз. Ишчилар, механизаторлар юз берган об-ҳаво қийинчиликларини енгib, барча майдонларда олинган мажбуриятни бемалол бажариш имкониятини берадиган ҳосил етиштирганлар.

Бизга етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда шаҳар меҳнаткашлари, студентлар, мактаб ўқувчилари актив ёрдам бермоқдалар. Ҳар йилгидек бу йил ҳам улар ўзларининг Ватан олдидаги бурчларини шараф билан адо этмоқдалар. Булар чет тиллар педагогика институтининг студентлари, Тошкент шаҳрининг Октябрь районидаги 13-мактаб ўқувчилари, шу район маҳаллаларидан келган меҳнаткашлар шунингдек, Оҳангарон шаҳар ва район мактабларининг ўқувчиларидир. Шундай қилиб бизга кўмак бераётган кишиларнинг сони 5376 кишига етади. Булардан 4500 киши бевосита теримда қатнашмоқда.

Совхознинг 3-бўлимида меҳнат қилаётган чет тиллар педагогика институтининг студентлари, айниқса бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Студентлардан Ёқут Азимова, Икром Аббосов каби ўртоқлар 130 — 140 килограммдан пахта тераётирлар.

Шаҳарлик биродарларимизнинг кучи билан совхозда кунига 150 тоннагача етказиб пахта терилмоқда. Ёрдамчиларнинг мавсум бошидан то шу кунга қадар терган пахтаси ҳисоблаб кўрилганда 3 минг тоннадан ошиб кетади. Совхозимиз коллективи шу қизғин кунларда бизга ёрдамга келиб, оғиримизни енгил қилаётган шаҳарлик биродарлардан чексиз миннатдор бўлмоқдамиз.

Ж. АКРОМОВ,
«Оққўрғон» совхозининг директори.

ДЎСТОНА ЁРДАМДАН ХУРСАНДМИЗ

Колхозимизда ҳосилни тез йиғиб-териб олишда фақат бу йил эмас, бир неча йиллан бери шаҳарликлар бизга ёрдам беришиб келади. Бу йил кўкламда об-ҳаво ноқулай келиб қолиб далаларимизни кўп ўт босди. Шундай долзарб кунларда ҳам шаҳарликлар, районимизнинг меҳнаткашлари бизга ёрдамга келишди ва катта-катта майдонлардаги ғўзани ўтдан тозалашда кўмаклашишди.

Энди теримга тушган дастлабки кунларданоқ ҳосилни йиғиб-терib олиш учун шаҳардан ёрдамга кўпгина киши келди. Улар колхозчилар билан ёнма-ён туриб, халқ бойлиги — пахтанинг бир граммини ҳам нобуд қилмай, йиғиб-териб олишда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Шаҳарлик ёрдамчилар кузги совуқлар бошланган ҳозирги пайтда ҳам илғаригидагидек ишлашмоқда. Улар ичида студентлар, ишчилар, хизматчилар бор.

Шаҳардан келган ёрдамчилар ичида Профтехшкола студентлари айниқса ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Бу мактаблан колхозимизга келган 400 кишининг ҳаммаси кунлалик топширқни тўла ва ошириб бажаради. Ҳозиргача мактаб студентлари салкам 300 тонна пахта терib бердилар.

Шунингдек область ижроия комитетидан келган хизматчилар ҳам пахта теримида актив қатнашмоқдалар. Қишлоғимизлаги мактаб ўқувчилари ва бошқа ёрдамчилар бераётган кўмак, колхозчиларимизнинг астойдил ишлаётганликлари сабаби кунига 2-3 процентга етказиб пахта тайёрланаётир.

Мўл ҳосил етиштириш ва шу пахталарни тез, сифатли нобуд қилмай йиғиб-териб олишда биродарларча ёрдам кўрсатаётган шаҳарлик дўстларимизга шу улуғ байрам арафасида:

— Раҳмат, сизга шаҳарлик биродарларимиз, — деб чин қалбимиздан айтамиз.

С. КАРИМЖОНОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги М. Горький номли колхоз раиси.

Б. ҚУЙБОҚОВ,
колхоз партия ташкилотининг секретари.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1958 ЙИЛ 5 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
Бўстонлиқ	71,70	1,05
Қуйи Чирчиқ	66,13	1,07
Боёвут	65,00	0,76
Пискент	64,20	0,54
Бўка	62,20	0,55
Бекобод	62,11	0,37
Оққўрғон	59,60	0,91
Верхне-волынск	58,81	0,85
Юқори Чирчиқ	56,75	0,60
Гулистон	56,56	0,53
Мирзачўл	56,16	0,75
Урта Чирчиқ	55,04	0,84
Ўртасарой	54,48	0,59
Чиноз	54,13	1,26
Октябрь	53,28	1,15
Оржоникидзе	52,29	0,85
Сирдарё	52,02	0,66
Янгийўл	46,83	0,76
Оҳангарон	33,31	0,48
Калинин	28,00	0,65

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1958 ЙИЛ 5 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Мавсум бошидан бери	Бир кунлик ўсиш
6-«Кўқорол»	105,65	0,55
Вревский	96,66	1,00
«Социализм»	71,85	0,62
«Пискент»	69,10	0,70
«Мирзачўл»	67,54	0,34
1-«Далварзин»	65,82	0,70
3-«Боёвут»	62,06	0,49
2-«Далварзин»	62,06	0,30
1-«Боёвут»	61,40	0,78
«Фарҳод»	61,39	0,50
«Оқиўрғон»	61,10	1,09
Киров номли	59,24	1,17
«Гулистон»	56,68	0,85
4-«Боёвут»	56,52	0,67
«Чанақ»	56,00	—
«УзССР бош йиллиги»	55,92	0,87
«Дружба»	55,81	0,33
«Малик»	43,63	0,26
Тошкент наслчилик совхози	41,76	0,58
Бушуев номли	39,06	0,93
1-«Оҳангарон»	36,00	0,67
2-«Оҳангарон»	27,29	0,35

Байрам кунларида

БУЛАР ҲАММАСИ ПАХТАКОРЛАР УЧУН

Тошкент область матлубот жамияти пахта далаларида фидокорона меҳнат қилаётган колхозчи, совхоз ишчиси ва шаҳардан борган ёрдамчиларга байрам кунларида намунали савдо хизмати кўрсатиш юзасидан кўпгина тадбирларни амалга оширди.

Ҳозир область колхозларида 400 га яқин кўчма дўкон, 300 дан ортиқ сотувчисиз ларёк ишлаб турибди. Пахтакорларни юмшоқ нон билан таъминлаш учун юздан ортиқ тандир қурилди.

Байрам кунларида хизмат қилиш учун кўшимча равишда 27 кўчма савдо машиналари ажратилди. Бундан ташқари ҳар бир районда 3-4 талан қўшимча лоток ишлайди.

Пахтакорларга хизмат қилувчи савдо тармоқлари учун 700 тоннадан ортиқ қанд, 400 тонна гурунч, 300 тонна кондитер маҳсулотлари, 100 тонна чой ва кўп миқдорда ёг, сариғ ёг, макарон, сут консервалари, балиқ маҳсулотлари ва бошқалар етказиб берилди.

ТЕАТР АРТИСТЛАРИ ТЕРИМЧИЛАР ХИЗМАТИДА

Байрам кунларида ўзбек давлат филармонияси, эстрада ва Муқимий номли театр артистлари пахтакорларга ўз санъатларини намойиш қиладилар.

Ўзбекистон давлат филармонияси ўзбек ашула ва рақс ансамбли 10 ноябрга қадар Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ, Оққўрғон ва Пискент районларидаги колхозларда концерт берадилар. Муқимий номли театр артистлари эса 8 ноябрь куни Оққўрғон район пахтакорлари хизматида бўладилар.

Шунингдек, эстрада театри артистларидан иборат концерт бригадалари 7-8 ва 9 ноябрь кунлари Ўрта Чирчиқ район колхозларида бир неча концерт берадилар. Эстрада-нинг Н. Ёқубов бошлиқ бригадаси 7, 8 ва 9 ноябрда Бекобод шаҳрида маданий хизмат қилади. Бундан ташқари Мирзачўл колхоз-совхоз театри ва Уйғур номидаги область музикали драма театри янгидан ташкил қилинган совхозларда бўладилар. Шунингдек, Тошкентга келган Жанубий Қозоғистон филармонияси ва Сахалин корейс театри артистлари ҳам областимиз пахтакорларига маданий хизмат кўрсатадилар.

БМТ Бош Ассамблеясининг XIII сессияси

БМТ Бош Ассамблеясининг XIII сессиясида қатнашаётган совет делегацияси бошлиғи В. А. Зориннинг мактуби

НЬЮ-ЙОРК, 4 ноябрь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг секретариати Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг БМТ Бош Ассамблеяси XIII сессиясида қатнашаётган делегацияси бошлиғи В. А. Зориннинг 1958 йил 1 ноябрда Биринчи комитет раиси номига қуйидаги мазмунда юборилган мактубини расмий суратда тарқатди:

«Ҳурматли раис жаноблари,

Корея масаласи Биринчи комитетда муҳокама қилинажаги муносабати билан совет делегацияси қуйидаги мулоҳазаларни баён қилишни зарур деб ҳисоблайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Корея масаласини муҳокама қилишда бевосита манфаатдор бўлган томонлар, икки корейс давлати — Корея Халқ Демократик Республикаси ва Корея Республикасининг вакиллари қатнашган тақдирдагина бу масала муваффақиятли суратда муҳокама қилиниши мумкин.

Шу муносабат билан Совет Иттифоқи делегацияси Сеёсий комитетнинг эътиборини Корея Халқ Демократик Республикаси ташқи ишлар министри Нам Ирнинг 1958 йил 24 сентябрь мактубига жалб этади. Бу мактубда айтилишича, Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати Бирлашган миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XIII сессиясида Корея масаласини муҳокама қилиш вақтида ўз вакилининг қатнаштирилишини қаттиқ талаб этади ва корейс халқининг манфаатлари ҳамда ҳоҳишига хилоф суратда, Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати вакилининг иштирокисиз қонунга хилоф суратда қабул қилинадиган ҳар қандай қарорларни бекор деб ҳисоблайди.

Бош Ассамблеянинг ўтган сессияларида Корея масаласини муҳокама қилиш тажрибаси шуни исбот этадики, Корея масаласини Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати вакилининг иштирокисиз ижобий тарзда ҳал этиш мумкин эмас.

Юқорида баён қилинганларга биноан, шунингдек Биринчи комитетнинг ишларини яхши ташкил этиш зарур эканлигини эътиборга олиб, совет делегацияси Корея масаласини муҳокама қилишда қатнашиш учун Корея Халқ Демократик Республикасининг ва Корея Республикасининг вакилларини чақириш тўғрисида таклиф киритади. Совет делегацияси бунда шу нарсага асосланадики, мазкур таклифни дарҳол қараб чиқиш ва ижобий тарзда ҳал этиш мазкур республикаларнинг вакилларига Бош Ассамблеяга ўз вақтида етиб келиш ва Корея проблемасини муҳокама қилишда қатнашиш имконини беради.

Совет Иттифоқи делегацияси тегишли резолюция проектини илова қилади:

«Биринчи комитет,

Корея масаласини Корея Халқ Демократик Республикаси ва Корея Республикаси вакилларининг иштирокисиз муҳокама қилиш самарали бўлиши мумкин эмас, деб топиб,

Корея Халқ Демократик Республикаси ва Корея Республикаси вакилларини Корея масаласини муҳокама қилишда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолда қатнашиш учун таклиф этишга қарор қилади».

СССР БИЛАН ВЕНГРИЯ ЎРТАСИДА САВДО МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикасининг 1958-1960 йилларда бир-бирларига товар етказиб беришлари тўғрисидаги битимга мувофиқ, Москва шаҳрида СССР билан Венгриянинг 1959 йилгаги товар оборати тўғрисида музокаралар олиб борилди. Бу музокаралар дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди. 4 ноябрда СССР билан Венгриянинг 1959 йилда бир-бирларига товарлар етказиб бериш тўғрисидаги протокол имзоланди.

Протокол ҳар иккала мамлакатнинг бир-бирларига етказиб берадиган товарлари миқдорини 1958 йилдагига нисбатан янада кўпайтиришни кўзда тутади.

Совет Иттифоқи Венгрияга темир руда, қора металлар прокати, кокс, нефть, ферросплав, рангли металлар, ашаётит концентрати, пахта, ёғоч-тахта, металл қиркувчи станоклар, автомашиналар, йўл қурилиши ускуналари ва бошқа товарлар етказиб беради.

Венгрия Халқ Республикаси Совет Иттифоқига, аввалги йилдагидек, кемалар, сузадиган ва портал кранлар, пассажир вагонлари, автобуслар, автосамосваллар, станоклар, химия ва озиқ-овқат саноати ускуналари ва бошқа товарлар етказиб беради.

Ядро қуроли синовларини тақиқлаш юзасидан уч давлатнинг Женева кенгашида

ЖЕНЕВА, 4 ноябрь. (ТАСС). Бугун Америка Қўшма Штатларининг вакили Ж. Уодсворт раислигида ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида олиб борилаётган музокараларда СССР, Қўшма Штатлар ва Англия вакилларининг учинчи ёпиқ мажлиси бўлди. Кенгаш қатнашчилари СССР ва АҚШ делегациялари томонидан 2 ноябрдаги мажлисда тақдим этилган кун тартиби проектларини муҳокама қилишни давом эттирдилар. СССР вакили элчи С. К. Царапкин атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги битимнинг совет проекти тўғрисида гапирди.

Галдаги мажлис 5 ноябрда ўтказилади.

ХХР мудофаа министрлиги вакилининг баёноти

ПЕКИН, 4 ноябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради:

3 ноябрь соат 15 да. Фуцзянь фронтида бизнинг қўшинларимиз билан душман қўшинлари ўртасида бўлган артиллерия отишмаси вақтида душманнинг Цзиньменьдаолаги қўшинлари газ тўлдирилган химия снарядларидан жиноятқорона фойдаланиб, бизнинг қўшинларимизни шу снарядлар билан ўққа тутдилар. Ўтказилган текшириш шуни кўрсатдики, бу снарядлар узоқ вақт таъсир қиладиган заҳарли моддалар билан тўлдирилган экан. Бизнинг қўшинларимиздан 14 киши заҳарланди.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, гоминданчи қўшинларнинг ана шу янги ҳарбий ифволари Чан Кай-ши билан Даллес ўртасида музокаралар бўлиб ўтганидан кейин ва Қўшма Штатлар томонидан гоминданчиларга кўп миқдорда ўқ-дори ва ҳарбий материаллар етказиб берилганидан кейин рўй берди. Ана шу сабабдан бу гоят жиддий воқеадир. Хитой Халқ Республикаси мудофаа министрлигининг вакили қуйидагиларни гоят жиддий тарзда баён этишга вакил қилинган: Хитой халқ озодлик армияси АҚШнинг ва гоминданчи қўшинларнинг ана шу жиноятидан гоят ғазабланди. Агар гоминданчи қўшинлар заҳарли газлар жойлаштирилган снарядларни бундан кейин ҳам ишлатишга журъат қиладиган бўлсалар, у ҳолда бизнинг армиямиз уларга нисбатан қаттиқ жазо чоралари кўради.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ 1958 ЙИЛ 7 НОЯБРДА БЎЛАДИГАН НАМОЙИШИ ТЎҒРИСИДА

Намойишда қатнашадиган меҳнаткашлар ўз корхоналари ва муассасалари бўйича йиғилиш пунктларига тўпланадилар ва Ленин номли майдонга ушбу ҳолда белгиланган маршрут бўйича район колонналари билан борадилар.

Ленин номидаги майдонга пропуск билан, пропуксда кўрсатилган пункт орқали соат 9 дан 45 минут ўтганга қадар қўйилади.

Автотранспортлар, трамвайлар, троллейбуслар, автобуслар ва пиёдаларнинг ҳаракати ўраб олинган зона ва намойишчиларнинг колонналари борадиган маршрут бўйича эрталаб соат 8 да тўхтатилади.

Махсус пропусклари бўлган автомашиналар Ленин номли майдонга Ленинград кўчаси бўйлаб соат 9,40 минутга қадар қўйилади.

Намойишчилар колонналарининг ҳаракатини тартибга солиб туриш Тошкент шаҳар ижроия комитети милиция бошқармасининг бошлиғи, 3-ранг милиция комиссари Ўртоқ И. Қ. Қаландаровга юклатилган.

ШАҲАР ОКТЯБРЬ КОМИССИЯСИ.

ЖАҲОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЛУИ САЙЯНГА «ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН» ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

4 ноябрда Кремлда Жаҳон касаба союзлари федерациясининг бош секретари Луи Сайянга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти топширилди.

Мукофотни топшириш тантанасида қатнашиш учун Москва ишчилари ва хизматчиларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, касаба союз ҳаракати арбоблари, чет эл меҳмонлари Свердлов залига тўпландилар.

Халқаро Ленин мукофотлари комитетининг раиси академик Д. В. Скобельцин йиғилишни очиб, ўртоқ Луи Сайянни халқаро Ленин мукофоти лауреати деган юксак ном берилиши билан самимий табриклади.

ВЦСПС раиси В. В. Гришин лауреатни юксак мукофот билан қизғин табриклади. У, тинчлик, демократия ва тараққиёт учун курашда, жаҳон касаба союзлари ҳаракати сафларини жипслаштиришда Луи Сайянинг катта хизматларини таъкидлади.

Жаҳон касаба союзлари федерацияси секретари Ласаро Пенья ўз нутқида уқтириб ўтдики, Жаҳон касаба союзлари федерациясига бирлашган 92 миллион меҳнаткашгина Луи Сайянга кўрсатилган юксак ҳурмат билан фахрланиб қолмайди. Барча қитъаларнинг меҳнаткашлари ҳам бу билан фахрланмоқдалар.

Паровознинг старший машинисти, тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети президиумининг аъзоси В. Г. Блаженов, совет хотин-қизлари комитети раисининг ўринбосари О. А. Хвалебнова, Жаҳон Тинчлик Кенгашининг секретари профессор В. М. Чхиквадзе ва бошқалар ҳам халқаро Ленин мукофоти лауреатини самимий табриклардилар.

Тантанали йиғилишнинг охирида ҳамма томонидан қизғин кутиб олинган Луи Сайян нутқ сўзлади. (ТАСС).

БЕЛЬГИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ИСТЕЪФОСИ

БРЮССЕЛЬ, 4 ноябрь. (ТАСС). Бугун бош министр Гастон Эйскенс ўз бошчилигидаги ҳукуматнинг истеъфоси тўғрисидаги аризани король Бодуэнга топширди. Эйскенс ҳукумати составида парламентдаги ўринларнинг кўпчилигига эга бўлмаган социал-христиан партиясининг аъзоларигина бор эди.

Матбуот хабарларига қараганда, социал-христиан партиясининг раҳбарлари икки партияли коалицион ҳукумат тузиш тўғрисида либераллар партиясининг вакиллари билан бир карорга келганлар. Либераллар ва католиклар коалицияси парламентда овозларнинг анча кўпчилигига эга бўлади.

Телевизор экранида

6 НОЯБРДА

19.00 Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 41 йиллигига бағишланган эшиттириш.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Ф А Р О Ғ А Т

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА).

— Ҳа, нима, хат борми? — Фароғат ҳовлиқиб кўйлакчан айвонга чиқди. Хатни олиб уйга кирди. «Аъзамжондан келган, шу маҳалда олиб келганини қаранг-а».

Хат Аъзамдан эмас эди. Фароғат шошиб хатни очаркан, кўзларига ишонмай қолди.

Ҳурматли ўртоқ Фароғат Сайдалиева! Ҳимматингизга раҳмат... Ҳаво ёмон келди. Мўл ҳосил ерда қолиб кетмасин. Ватан сиздан ғайратга-ғайрат қўшиб, ҳосилни тезроқ териб олишда меҳнат қаҳрамонлиги намунасини кўрсатарсиз, деб умид қилади...

Фароғатнинг кўзлари катта очилиб кетди. Унинг бу ҳолатидан онаси ҳайрон эди.

— Нима гап, қаердан кепти?

— Ўзбекистон партия Марказий Комитетидан.

— А?!

— Ойи, буни қаранг, мени Марказий Комитетдагилар ҳам билишаркан-а. Менга, худди ўзимга ёзишипти, қаранг, «Ҳурматли Ўртоқ Фароғат...»

Қизнинг бутун вужудини ҳаяжон босди. Хатни қайта-қайта ўқир, деразага, гупуллаб ёғаётган қорга тикилар, шу тикилишида у осмон баравар кенг пахтазорни, қор босган далаларни кўрди. Йўқ, ундан ҳам узоқни, Фарғонани, Тошкентни, Москвани кўрди, пахта тойлари ортилган эшелонларни, минг-минглаб дастгоҳларни, тўқувчи-тикувчиларни кўрди. Бутун мамлакатни кўрди. Шу дақиқада у ақлан анча ўсган, фикрлари ўткирлашган, ҳозиргина кўз ўнгида намоён бўлган мамлакат топшириғини бажаришдек олий ва шарафли бурчни адо этишга отланган ватанпарвардек турарди. Яна хатга қайтди, такрор ўқиди. «Ростми ўзи. Мен комсомол бўлсам, Мирзачўлнинг чекка бир қишлоғида турсам, Марказий Комитетдагилар мени қаёқдан билишдийкин? Янглиш эмасмикин? Йўқ, тўппа-тўғри. Партия топшираяпти-я, Ватан буюраяпти-я. Мен ўзим ким-ман? Аъзамжон акам эшитсайди бу-ни?»

Шу дақиқада «Ватан» деган сўзнинг нақадар улуғ ва қудратли эканини, унинг бутун салобатини шундоққина кўз олдига келтирган Фароғат, ўзи ҳам катта масъулият олдида тургандек салобат касб этди. Она хатнинг мазмунидан, қизининг шунчалик ҳурматга мушарраф бўлишидан севиниб, кўзига ёш олди.

— Танинг соғ бўлсин қизим, ахир пахта ерда қолса юртга зарар-да.

Тун ярмидан оққанда қор тўхтаб, кўкни юлдузлар қоплади, совуқ авжга минди.

Кумуш тонг билан бирга уйғонган Фароғат қалта пахталигини кийиб, далага чиқиб кетди. Кўчалар, пахтазорни қоплаган қор пахтакор қизнинг этиклари тагида гирчиллаб, эриди, унга йўл очарди. Пахтазор шу қизнинг қайноқ нафасидан исиб кетгандай, қалбининг ҳароратидан қайта яшнагандек эди. Ҳа, худди шундай эди. Фароғат қадам ташлар, совуқ шахтидан қайтиб, қорлар эриди.

Тунави куни «тоби қочишти» деб гумон қилган тарозибон, беш кунлик якунида Фароғатнинг ҳисобига 520 кило пахта ёзилганини айтди. Худди шу куни колхозга марказдан вакиллар келган эди. Улар пахтазорни ҳам айланишди. Фароғат йўл ёқасига келиб тўхтаган машинадан тушган кишиларни пайқамай қолди. Улардан бири худди эски танишлардек, «ҳоранг Фароғатхон» деб қизнинг ёнига келди. Фароғат сўрашиб бўлгач, қизларга хос мулойимлик билан бошини сал эгиб ёнига ўгирилди. Шунда йигит сўради:

— Кечирасиз, сиз Марказий Комитет хатидан хабардормисиз?

— Ҳа, олдим, — деди мулойим Фароғат.

— Жуда яхши, ўқиб чиққандирсиз?

Фароғат тескари ўгирилиб, кўксидан буклоқлик қоғоз чиқариб берди.

Йигит хатни олиб очди-ю, пиқ этиб кулиб юборди. Ёнидагилар яқинроқ келиб кўришди. Хат эмас, расм эди. Улардан бири беҳосдан «И-е, бояги механик-ку, Аъзаммиди?» деб юборди.

Фароғат қинқизариб кетди, уларга ўгирила олмади, уялганиданми, ё Аъзамнинг номини эшитганиданми, яна титроқ босди. Фароғат шошиб қўлини кўксига олиб бориб, хатни чиқарди, шу турганича бояги кишига узатган эди, шу қўл унга расмни қайтариб берди.

Меҳмонлар Марказий Комитетнинг бу хатини саккиз буклоқ ҳолида кўксида сақлаган қизга ёнидан бир-бир қараб қўйишди, бир-бирларига сўзсиз, аммо зўр маънода тикилиб қолишди. Улар қизни ҳижолатдан қутқариш учун хатни қайтариб, хайрлашишди. Машина томонга юришди.

— Асл муҳаббат, — деди улардан бири.

— Ҳа, ёр ишқи, Ватан севгиси бу.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/XI эрталаб соат 11 ва кундуз 3 да **Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим**, кеч 8 да **Юрак ёнмоги керак**, 8/XI эрталаб 11 да **Оғриқ тишлар**, кундуз 3 ва кеч 8 да **Юрак ёнмоги керак.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 7/XI кундуз соат 2 ва кеч 9 да, 8/XI кундуз 12 ва кеч 8 да (ўзбек тилида), 8/XI кеч 5 да (рус тилида) **Катта байрам концертлари.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/XI да кундуз **Зафар**, 7, 8/XI кундуз соат 4 да **Катта байрам концертлари**, 8/XI да кундуз **Олтин кўл**, кечқурун **Ватан ишқи**, 9/XI да кечқурун **Равшан ва Зулхумор.**

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун **Биринчи кун.**

«ИСКРА» (ёзги) — **Денгиз қадида поэма** (кенг экранли фильм).

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Киевлик қиз** (1-серия).

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Биринчи кун.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

7, 8, 9 ноябрда

КАТТА БАЙРАМ ТАМОШАЛАРИ ИККИ АТТРАКЦИОН

50 лилипут артист иштирокида

„Чалкаш саҳифалар"

ОҚ АЙИҚЛАР

Ўргатувчи—**С. Синицкий.**

Тамошалар: 7/XI да—кундуз соат 2, 4 ярим ва кеч 8 да, 8 ва 9/XI да — кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

7, 8, 9 ноябрда

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 41 йиллигига бағишланган

Катта байрам КОНЦЕРТЛАРИ

Концертда: **Жуманиёз Бекжонов, Муҳаббат Мусаева, Ғулом Тожиаъроев**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Халима Раҳимова**, VI Жаҳон фестивали лауреати **Клара Жалилова**, Бутуниттифоқ фестивали лауреатлари **Луиза Зокирова, Ботир Зокиров** ва бошқалар қатнашади.

Концертлар кундуз соат 2 да ва кеч 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34308, 136, Совет қурилиши бўлими 136, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135, Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135 Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156, Маҳаллий ахборот бўлими — 132, Секретариат — 29040, Эълонлар бўлими — 33142.

Р. 06192. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-605.